

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:657:658.1

БУРХАНОВ АХМАДЖОН МУХАММАДАМИНОВИЧ

**АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ҲИСОБИ
ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.**

5А340901-“Аудит” (Ишлаб чиқариш соҳасида)

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
И.ф.н.доц. Жўраев О.Н.**

Тошкент-2014

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I Боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида хусусий капитал ҳисоби ва аудитининг услубий асослари.	
1.1. Акционерлик жамиятларида хусусий капиталнинг аҳамияти, моҳияти, таркиби ва шаклланиши.....	12
1.2. Акционерлик жамиятларида акциядорларининг реестрини шакллантириш тартиби.....	22
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	25
II Боб. “Ўзбеккўмир” ОАЖ тизимида хусусий капитал ҳисобини ташкил этишнинг хусусиятлари.	
2.1. Янги ташкил этилган акционерлик жамиятларида устав капиталининг шаклланиши ҳисоби.....	27
2.2. Акциядорларга дивидендларнинг ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.	38
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	49
III Боб. Акционерлик жамиятларида аудиторлик назоратини ташкил этиш ва хусусий капитал аудитини ўтказишни такомиллаштириш.	
3.1. Акционерлик жамиятларида хусусий капитал аудитининг манбалари, мақсади, вазифалари ҳамда уни режалаштириш.....	50
3.2. Хусусий капитали шаклланишини аудиторлик текширувидан ўтказиш.....	60
3.3. Акцияларни жойлаштириш, акциядорларга дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ муомалалар аудити.....	70
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	78
Хулоса ва таклифлар.....	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	83
Иловалар	

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Республикамизда иқтисодиётда бозор муносабатларини яратишга қаратилган ўзгаришларнинг барқарор бораётганлиги кўз атилмоқда қонунчилик асослари такомиллаштирилмоқда, ягона давлат сиёсати - бозорга босқичма-босқич эволюцион ўтиш сиёсати доирасида бош масалалар ва устиворликлар белгилаб олинган.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистон дунё стандартларини миллий шароитларни инобатга олган ҳолда қўллаш мақсадида халқаро ишлаб чиқариш, илмий ва тижорат жараёнларининг тўлақонли иштирокчиси булиш учун етарли интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятга эгадир¹,

Республикамиз Президента И.А.Каримовнинг “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир тадбирлар тўғрисида” ги 1994 йилнинг январ ойидаги Фармони республиканинг бу йуналишдаги ҳаётига асос яратди.

Бу Фармон ва у билан ботиқ кейинги қабул қилинган ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ қила бориб, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига ўз маблағларини қуйиш ниятида бўлган барча ишбилармон кишилар учун эшикларни кенг очмоқда. Ҳар қайси юридик ёки жисмоний шахс мустақил равишда молиявий битимлар тўз иш имкониятига эгалик ҳуқуқини олди, бу эса тадбиркорликни самарали ривожлантиришнинг энг зарур шартларидан бўлиб, айти пайтда у юқори таваккалчилик билан брдош. Тадбиркорлар ва жисмоний шахслар олдида биринчи марта молиявий аҳволпи ва бўлғуси шерикларининг ишончлилигини баҳолаш, яъни шериклар ўз мажбуриятлари бўйича жавоб бериши учун етарли миқдорда маблағларига эгами; активларга қўйилган маблағлар қачон ва қай тезликда реал пулга айланади, яъни

¹ Каримов И. Ўзбекистрн XXI асрга интилмоқда. -Т., 1999 йил 14 апрелда Олий Мажлис сессиясида сўзлаган маърузасида

уларнинг ликвидлиги даражаси; мулкдан қанчалик самарали фойдаланилади ва ҳоказо муаммолар пайдо бўлади.

Худди мана шу каби муаммоларни ечишда аудиторлик фаолиятининг аҳамияти нақадар каттадир. Ҳар бир маданий ривожланган бозор иқтисодиётида унинг самарали ишлаши учун бир қатор ёрдамчи механизмлар, яъни унинг инфраструктураси юқори даражада ривожланган бўлиши шартдир.

Хусусан Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг 2000 йил бошидаги Олий Мажлис 1 - сессияси 1 ва 2 - чақириқларида худди шу масалани кўтариб чиққанлари қувонарли ҳолдир. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунда бозор инфраструктурасининг, яъни банк тизими, суғурта фаолияти, брокерлик конторалари, маслаҳат бюрolari ва шу жумладан аудиторлик фирмаларини ривожлантиришга катта эътибор бериш ҳар бир корхона раҳбарининг, ҳар бир фуқаронинг зиммасига юкланган вазифадир.

Бу каби тизимни яратишда, уни ривожлантиришда саноати илғор мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш, халқаро миқёсда умумқабул қилинган стандартларга тенглашиш, жаҳон иқтисодиёти интеграциясига қўшилиш - ҳозирги кун сиёсатининг устивор йўналишларидандир, деб биламан².

Бироқ сўнгги йилларда мамлакатимизда фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўп ҳолларда етарли даражада сифатли амалга оширилмаётганлиги кўринмоқда. Шу ўринда юртбошимиз И.А. Каримовнинг қуйидаги фикрларини ҳам келтириш мумкин: “.....Шу билан бирга аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар суств баъзи ҳолларда сифатсиз татбиқ этилмоқда, аудит тизимидаги ишлар ҳолати ошган талабларга жавоб бермайди, аудит ҳали бизнес самарадорлигини реал баҳолашнинг амалий воситаси бўлиб қолгани йўқ. Аудиторлик текширувлари кўп ҳолларда юзаки

² Каримов И.А. "Миллий истиклол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир". Т. Ўзбекистон, 2000й.

ва паст профессионал даражада ўтказилади, аудит тизимининг ўзи молия бозорида ҳали етарлича ишонч қозонган эмас”³.

Президентимиз И. А. Каримов 2013 йилда республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастўрнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруз асида таъкидлаб ўтганидек:

“Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8, 8 фоизга, кишлоқ хўжалиги – 6, 8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14, 8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6, 8 фоизни ташкил этди.

Ўтган йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир.

2013-йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0, 3 фоиз профицит билан бажарилди”⁴.

Иқтисодиёти юқори даржада ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, корхона молиявий фаолиятига тўла баҳо берувчи маҳсул маълумотлар кенг оммага тушунарли ҳолда электрон шаклда интернетда корхоналар веб сайтларда эълон қилиб борилиши лозим. Ривожланган мамлакатларда аудиторларнинг ҳисоботларини корхоналар веб сайтларда эълон қилиш бўйича тегишли қонун ва қарорлар ишлаб чиқилган.

Хорижий инвесторлар учун ишончли ва аудиторлик компаниялари томонидан тасдиқланган молиявий ахборотни тақдим этиш юқори даражада

3 Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг ПҚ-615-сон “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида” қарори, Тошкент ш., 2007 йил 4 апрель.

⁴ 2013 йилда республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги Президентимиз И.А.Каримовнинг тантанали нутқи. www.gazeta.uz

аудиторлик ҳисоботларни электрон шаклларда интернетда эълон қилиш шартлари бухгалтерия қонунчилигимизга киритилмаган.

Мазкур магистрлик диссертациясида акционерлик жамиятларда аудитни ташкил қилиш ва такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни ёритишга ҳаракат қилинди. Бу - корхона хусусий капитални текшириш бўлса-да, корхонанинг бутун молиявий аҳволини баҳолашда катта аҳамият касб этади. Чунки хусусий капитал ҳисобидан корхона материал-техник базасининг асосини ташкил этиш ва унинг фаолиятининг муҳим йуналишларини шакллантиришда катта аҳамият касб этади. Худди мана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, **танланган мавзу** ҳозирги кунда **долзарблик** касб этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мустақиллик йиллари мобайнида бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида принципиал жиҳатдан янги қонунчилик меъёрий база яратилди. Бундай ислохотларнинг биринчи қадами бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992 йил 9 декабрда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ҳамда унинг 2000 йилда амалга киритилган янги таҳрири ҳисобланади. Бу эса республикамизда аудитнинг вужудга келиши ва ривожланишида меъёрий база бўлиб қолди. 2004 йил 01 январда янги счетлар режаси қабул қилинди ва бухгалтерия ҳисоби тушунчаси ҳамда амалиётига туб ўзгаришлар киритди, халқаро стандартларга ўтишга туртки бўлди. 1994 йилда БМТ, ЕИ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси ҳамкорлигида “халқаро стандартларга ўтиш” лойиҳаси бўйича ишлар олиб борилди.

Бухгалтерия ҳисобида ислохотларнинг кейинги қадами бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг ишлаб чиқилиши бўлди. Олий Мажлис томонидан 1996 йил 30 августда қабул қилинган бўлиб, замонавий бухгалтерия ҳисобини яратишда меъёрий база бўлиб қолди. Аудиторлик фаолиятини тартибга солишда аудиторлик ташкилоти тўғрисида низом, Аудиторлар палатаси тўғрисида низом, Аудиторлик малакавий сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги Низом,

Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида низом шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома (лицензия)нинг берилиши тартиби тўғрисидаги низомлар қабул қилинди, Бугунги кунда, халқаро бухгалтерия ҳисоби ва аудит стандартларига ўтиш муаммоларининг ечими, айниқса, муҳим. Ҳозирги пайтда, бухгалтерия ҳисобининг 23 та миллий стандартлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, шунингдек аудит бўйича 20 миллий стандарт тасдиқланди ва рўйхатга олинди. Қонунчилик базасида мазкур ислохотлар Ўзбекистон бухгалтерия ҳисоби ва аудитини халқаро стандартларига максимал яқинлаштирди. Бундан келиб чиқиб, ҳозирги ҳаётимизда ахборотнинг роли қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлиги яққол кўриниб турибди. Хўжалик фаолиятида фойда олиш имкониятини баҳолаш, ўз фаолиятини ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилиш, мижозлар, мол етказиб берувчилар, ҳамкорларни танлаш, олинган ахборотнинг сифатига боғлиқ бўлади. Бунда, албатта, ахборотнинг тўла қонли ишончлилиқ ва ҳаққонийлик даражаларига катта аҳамият берилади.

Ўзбекистон Республикасида ушбу йўналишдаги муаммоларнинг назарий асосларини ўрганиш ва ечимларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар хали етарли даражада олиб борилганича йўқ. Бироқ ҳозирги кунда ушбу мавзу кўплаб амалий анжуманларда ва илмий мақолаларда бош мавзу бўлишга улгурди.

Ушбу тадқиқот ишининг йўналишларини, мақсад ва вазифаларини, объектини ва предметини, шунингдек ўрганиш услубларини танлашга асосий омил бўлиб акционерлик жамиятларда аудитни ташкил қилиш ҳолатига баҳо бериш, бу борадаги мавжуд камчиликларни таҳлил этиш ва аудитини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш каби муаммолар хизмат қилди.

Магистрлик диссертациясини ёзишда МДХ давлатлари, ҳамда республикаимиз таниқли иқтисодчи олимларимизнинг аудит мавзусида ёзган

асарлари, мақолалари, шунингдек аудит соҳасига тегишли меъёрий конунчилик ҳужжатлари фойдаланилди. Жумладан, В.Д.Андреев, Н.П.Барышников, Э.Ф.Гадоев, Ф.Г.Гулямова, Ю.А.Данилевский, Р.Дустмурадов, О.Н.Жўраев, Ш.И.Илхомов, П.И.Камышанов, М.Т.Маматов, З.А.Муқимов, В.И.Подольский, М.М.Тулаходжаева, М.Х.Ходжаева, Б.А.Хасанов, Р.О.Холбеков, А.Х.Шоалимов, А.Д.Шеремет ва бошқаларнинг асарларидан фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифалари. Мазкур тадқиқот ишининг асосий мақсади ва вазифаси республикада акционерлик жамиятларда аудитни ташкил қилиш ҳолатига баҳо бериш, бу борадаги мавжуд камчиликларни таҳлил этиш ва аудитини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун диссертацияда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган:

- акционерлик жамиятларида хусусий капитал тушунчасини барча учун тушунарли тартибга келтириш ва асослаш;
- Давлат томонидан акционерлик жамиятларида фаолиятини тартибга солишга қаратилган ишларни ўрганиш ва уларни халқаро амалиётда мавжуд сифат назорати механизмларига мослигини аниқлаш;
- томонидан хусусий капитални шакллантиришга қаратилган умумий йўналишларни ишлаб чиқиш;
- Миллий ва халқаро аудиторлик стандартлари ўртасида мавжуд ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш орқали Ўзбекистонда акционерлик жамиятлари фаолияти сифатини оширишга ёрдам берадиган тамоилларни шакллантириш;
- акционерлик жамиятларида ички аудит назоратини таъминлаш мақсадида акционерлик жамиятларида ички аудит стандартларини ишлаб чиқиш;
- акционерлик жамиятларида хусусий капитал аудитини текширувларини ички сифат назоратидан ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Мазкур ишда акционерлик жамиятларда аудитни ташкил қилиш ва такомиллаштириш республикамиздаги фаолият кўрсатаётган “Ўзбекўмир” ОАЖ мисолида кўриб чиқилди.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача мазмуни.

Тадқиқотнинг илмий-назарий асоси бўлиб акционерлик жамиятлари фаолиятини ривожлантиришга ва улар томонидан кўрсатиладаган хизматлар сифатини оширишга қаратилган халқаро ва ватанимиз олимлари томонидан олиб борилган илмий ишлар хизмат қилди.

Диссертацияни ёзишда аудиторлик фаолиятини Ўзбекистонда меёрий ҳуқуқий асосларини таъминловчи ҳужжатлар, халқаро аудит амалиётида мавжуд аудит стандартари ва хусусий капитал аудитини сифатини оширишга қаратилган тажрибалар, шунингдек, республикамизда аудит соҳасини ривожлантириш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан ҳамда Президент И.А.Каримовнинг илмий асарларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.

1. Мамлакатимизда акционерлик жамиятлари фаолиятини ривожлантиришга бўлган талаб кундан кунга ортиб бормоқда. Халқаро ва маҳаллий аудит амалиётини таҳлил қилиш орқали шу маълум бўлдики, ҳозирги кунда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” бўйича барча учун тушунарли бўлган ягона тушунча ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж сезилмоқда.

2. Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳим ва умумий маънода асосий омил ҳисобланади.

3. Банк, инвестиция ва суғурта фаолияти соҳаларида, шунингдек давлат ташкилотларини хусусийлаштиришда акциядорлик жамиятларини ташкил этишнинг ва улар ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини ривожлантириб турилиши ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

1. Акциядорлик жамиятлари фаолиятида – иқтисодий субъект фаолиятини аудитдан ўтказишда текширувлар лозим даражада аудитнинг барча қонун ва меёрларига мос ҳолда ташкил қилиниши ва амалга оширилишини таъминловчи восита деган янги тушунча шакллантирилган;

2. Хусусий капитал аудитини ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини ўз ичига олувчи модел ва дастурий амаллар тавсия қилинган. Бу орқали Акциядорлик жамиятларида аудиторлар томонидан ўзларининг профессионал мажбуриятларини тўлиқ бажарилиши ҳақида сўз юритилган. У ўз ичига бухгалтерия ҳисобини юритишни амалга ошириш кетма кетлиги, ходимларга вазифа ва мажбуриятларни тақсимлаш тартиби ва ташкилотда фаолияти юритиши лозим бўлган сифат назоратини амалга оширувчи бўлинманинг вазифаларини ўз ичига олади.

Акциядорлик жамиятларида хусусий капитал ҳисоби ва аудитини сифатини оширишга хизмат қилувчи “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” ички стандартнинг лойихаси ва унинг таркибий қисми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти – диссертацияда айтиб ўтилган Акциядорлик жамиятларида хусусий капитални шакллантиришга қаратилган таклифлардадир ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– назарий ва амалий таклифлар келгусида бу йўналишда тадқиқот олиб боришда ёрдам бериши мумкин;

– таклифлар Ўзбекистон Республикасида Акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантиришга ёрдам бериш билан бирга, илмий қарашларни чуқурлаштириш ва уларни бир тизимга келтиришга ёрдам беради;

– таклиф қилинган дастурлар ва лойихалардан фаолият давомида фойдаланиш, шунингдек ички стандартларини ишлаб чиқиш Акциядорлик жамиятларида ички назорати тизимини яхшилашга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Акциядорлик жамиятларида хусусий капитал ҳисоби ва аудитини сифатини оширишга қаратилган таклифлар, жумладан хусусий кап ўтказишга аудитини ўтказиш бўйича таклиф қилинган лойиҳалар ва дастурлар, шунингдек уларни ўтказиш тартиби, ички назоратни таъминлашда хўжалик юритувчи субъектлари ва Акциядорлик жамиятлари фаолиятида фойдаланиш бўйича таклифлар Ўзбекистонда фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари томонидан фойдаланилиши мумкин.

Магистрлик диссертацияси Кириш, 3 Боб, Хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

Диссертациянинг Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланган.

Магистрлик диссертацияснинг Биринчи бобида акционерлик жамиятларда хусусий капиталнинг ташкил топиш манбалари, аудитини ўтказиш манбалари ва вазифалари ёритилган.

Тадқиқотнинг Иккинчи боби эса акционерлик жамиятларда хусусий капитал ҳисобининг тартиби ва хусусиятларига бағишланган.

Учинчи бобда акционерлик жамиятларда хусусий капитал аудитини ўтказиш жараёни атрофлича ўрганиб чиқилиб, мавжуд муаммолар, хусусий капитал аудитини такомиллаштириш йуллари бўйича таклифлар келтирилган.

Хулоса қисмида илмий ишнинг натижалари бўйича хулоса ва таклифлар умумлаштирилиб, хусусий капитал аудит усулини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилган.

I Боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида хусусий капитал ҳисоби ва аудитининг услубий асослари.

1.1. Акционерлик жамиятларида хусусий капиталнинг аҳамияти, моҳияти, таркиби ва шаклланиши.

Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида корхоналар ўз молиявий ресурсларини ўзлари шакллантиришлари лозим. Иқтисодий субъектнинг молиявий ресурслари бўлиб, қимматли қоғозларини сотишдан олинган маблағлар, фойда, амортизация ажратмалари, акционерларнинг бадаллари, кредитлар ва конунчилик томонидан ман қилинмаган бошқа тушумлар.


Шундай қилиб, иқтисодий субъект маблағларининг ташкил топиш манбаига қараб иккига бўлинади: ўз маблағларининг манбаи ва мажбуриятлар.

Корхоналарда хусусий капитал умумий кўринишда корхонага тегишли бўлган мулк миқдорида тенгдир, яъни соф активлар суммасига тенгдир. У корхона баланс валютасидан жами мажбуриятларни айриш натижасида аниқланади:

Мажбуриятлар ташкилот томонидан кредиторлардан олинган қарз суммасига тенгдир.


Бозор муносабатларининг ривожланиши билан корхонанинг молиявий ресурслар таркиби ва тўз илмасида муҳим ўзгаришлар содир бўлмоқда. Унинг молиявий барқарорлик кўрсаткичи бўлиб, хусусий капитал миқдори ҳисобланади. Бу эса ўз вақтида корхона хусусий маблағларининг манбаларини ички ва ташқи молиялаштириш манбаларига ажратиш имкониятини беради.

Ташкилотнинг хусусий капитали устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали ва тақсимланмаган фойдадан ташкил топади (қаранг 1-чизмага).



1-чизма. Хусусий капиталнинг таркиби. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Хусусий капитални асосий молиялаштириш манбаи бўлиб, таъсис этувчиларнинг бадаллари, текинга олинган мулк, капиталлашган фойда ҳисобланади (қаранг 2-чизмага).



2-чизма. Хусусий капитални ташкил этиш манбалари. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Хусусий капиталнинг асосини устав капитал ташкил қилади.

Молиявий йил тугаши билан хўжалик юритувчи субъект йиллик молиявий ҳисобот таркибида “Хусусий капитал тўғрисидаги” ҳисоботни тақдим қилиши лозим. Ушбу ҳисоботда хусусий капиталнинг тузилиши, ҳаракати, резервларни шакллантириш, дивидендларни ҳисоблаш ва тўлашларни, ҳамда акцияларнинг миқдори, унинг номинал баҳоси, сотиб олинган акциялар миқдори ва бошқа маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш имкониятини беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келган ва турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритувчи субъектларни салоҳиятини уларни хусусий капитал кўрсаткичи ҳарактерлайди. Хусусий капитал етарли даражада эга бўлмаган хўжалик юритувчи субъект, фаолиятини узлуксиз ривожлантира олмайди ва бозорда вужудга келадиган рақобатга бардош бериш қобилияти суст бўлади. Шунинг учун ҳам хусусий капиталга эга бўлиш, уни доимий тарзда кўпайтириб бориш Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектни, шу жумладан

акционерлик жамиятларини ривожланишига кафиллик берувчи муҳим элемент бўлиб ҳисобланади.⁵

«Хусусий капитал» ёки «капитал» тушунчаси иқтисодий тоифалар таркибига кириб, унинг мазмунини маблағ қўйиш, жойлаштириш ташкил этади. У даромад келтирувчи манбадир.⁶

1-диаграмма.



1-диаграмма. ОАЖ "Ўзбеккўмир"нинг Хусусий капитали тузилиши структураси. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бозор муносабатлари бу атамага янгича ёндошишни талаб қилмоқда. Бу эса корхоналарни, шу жумладан акциядорлик жамиятларини, ривожланишининг муҳим гарови ва воситаси бўлган хусусий капитал тушунчасининг моҳиятига тўхталишни тақозо қилади.

Акциядорлик жамиятларида ҳам бошқа мулк шаклидаги корхоналар сингари бухгалтерия ҳисобининг объекти бўлиб ҳисобланади. Лекин шу билан биргаликда акциядорлик жамиятларида шу мулк шаклининг ўзига хос

⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Давлат Мулк қўмитаси ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан 2002 йил 25 мартда 47, 10-1-48, 2002-33-сонли қарори билан қабул қилинган "Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат тасаруффидаги (давлат улуши) акциялар бўйича дивидендларни ҳисоблаш, тўлаш ва мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом".

⁶ "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни

хусусиятларидан келиб чиқадиган ва бухгалтерия ҳисобида инобатга олиш шарт бўлган объектлар ҳам мавжуд. Бухгалтерия ҳисобининг шундай объектларидан бири акциядорлик жамиятларида мулкни тасарруф этиш, бошқариш ва унга эгаллик қилиш усули ёрдамида иктисодий-ижтимоий фаолият кўрсатишдир. Буларга акция чиқариш ва унинг муомаласи билан боғлиқ операциялар, хусусий (устав) капитали, қимматли қоғозлар, даромад (фойда), дивиденд тўловлари, махсус шаклландиган фондлар ва фойданинг тақсимооти каби жараёнлар киради. Бу жараёнларнинг барчаси акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос бўлган ҳисоб объектлардир.

Устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти⁷ (бундан буён матнда жамият деб юритилади) деб эътироф этилади.

Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият, агар унинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, чекланмаган муддатга тузилади.

Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

Жамият ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ фирма номига эга бўлади ва қисқартирилган фирма номига эга бўлиши мумкин.

Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг

⁷ "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни

ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

Жамиятнинг жойлашган ери, агар жамият уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади.

Жамият у билан алоқа амалга ошириладиган почта манзилига ва электрон почта манзилига эга бўлиши лозим. Жамият ўзининг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили ўз гарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йули билан, акциядорларни эса, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йули билан хабардор этиши шарт.

Ушбу объектларни тадқиқ қилишда бухгалтерия ҳисобининг муҳим фундаментал тамойилларидан бири бўлган икки ёқлама ёзув тамойилига асосланилди. Бунинг замирида қуйидаги тенглик ётади:

АКТИВ=ХУСУСИЙ КАПИТАЛ+МАЖБУРИЯТЛАР


Бу тенгликдан кўриниб турибдики, хусусий капитал ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг мулкӣ ва молиявий ҳолатини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи билан тасдиқланган молиявий ҳисоботнинг 5-шаклда хусусий капиталнинг тузилмаси қуйидагилардан иборатдир, деб кўрсатилган: устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда, хусусий капитал билан қопланмаган зарар.

Хусусий капитал деганда хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган мулкнинг қиймати тушунилади. Бу капитал жами капитал билан қарзга олинган капиталнинг ўртасидаги фарқ сифатида аниқланиши мумкин, яъни

$$K_x = A - K_k.$$

Бунда, K_x -хусусий капитал, A -Актив, K_k -қарзга олинган капитал.
(2-диаграмма)




2-диаграмма. ОАЖ "Ўзбеккўмир" хусусий капитали ва активларининг диаграммада кўриниши. Муаллиф томонидан ишлаб чиқарилган.

Хусусий капитални бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун уларни бир қанча белгилари бўйича таснифлашни тақозо қилади. Аксарият олимлар хусусий капитални таснифлаш белгилари сифатида уларнинг турларини, хизмат муддатларини, ташкил этиш манбаларини олиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Уларни таснифлашда моддийлик белгисини, турган жойи, фаолиятда иштирок этиш даражасини ҳам эътироф этишни мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, таснифлаш белгиларини иерархиясини тўғри асослаш ҳам уни ўрганишда муҳим омилдир. Чунки бу тизимни аниқ белгилаш хусусий капитал элементларини босқичма-босқич биринчи, иккинчи ва учинчи даражали счётларда акс эттириш, улар тўғрисидаги маълумотларни умумийликка қараб йиғиш, жамлаш, тўплашнинг яхлит тизимини яратишга имкон беради. Бу эса назарий ва методологик жиҳатдан катта аҳамият касб этади.

Хусусий капитални таснифлашнинг иерархик тизими, бизнингча, қуйидаги кетма-кетликдан ташкил топиши лозим. (3-чизма.)

Хусусий капитални таснифлаш белгилари иерархик тизими



3-чизма. Иерархик тизим. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу шаклдан кўриниб турибдики, хусусий капитални таснифлашнинг юқори бўғинида унинг моддийлик белгиси туради. Ушбу белгисига кўра, акциядорлик жамиятларининг барча хусусий капиталини икки гуруҳга, яъни моддий хусусий капитал ва номоддий хусусий капиталга ажратиш мумкин.⁸

Моддий хусусий капитал деганда, акциядорлик жамиятларининг моддий бўлган барча активлари тушунилади. Акциядорлик жамиятларининг барча моддий хусусий капитални барча активларнинг бир қисми сифатида бухгалтерия балансининг «АКТИВ» қисмида жойлашади. Номоддий хусусий капитал ҳам номоддий активлар шаклида бўлиб, улар ҳам бухгалтерия балансининг актив қисмида жойлашади.

⁸ Аудит. Дарслик. 1-2 жилд. М.М. Тулаходжаева ва Ш.И. Илхомовларнинг умумий таҳрири остида.. Т.: Норма, 2008.

Хизмат муддати белгиси бўйича хусусий капитал акциядорлик жамиятларига канча муддатда иқтисодий самара бериши, яъни фойда келтириш билан таснифланади. Ушбу белги бўйича барча хусусий капитални ўз оқ муддатли ва қисқа муддатли хусусий капиталга ажратиш мумкин. Хизмат муддати белгиси сифатида бухгалтерия ҳисобида, одатда бир йиллик муддат қабул қилинган. Ушбу муддатга кўра бир йилдан кўп хизмат қиладиган хусусий капитал ўз оқ муддатли, 1 йилгача амал қиладиган хусусий капитал эса қисқа муддатли хусусий капитал ҳисобланади.

Узоқ муддатли хусусий капиталга асосий воситалар, номоддий активлар (патент, лицензия, турли ҳуқуқлар, янги ғоялар ва бошқалар), ва бир йилдан кам бўлмаган муддатга қўйилган қўйилмалар киради. Қисқа муддатли хусусий капитални адабиётларда (шу жумладан, 1997 йил 1 январдан қўлланилиб келинаётган бухгалтерия балансида) «жорий активлар» деб ҳам атайдилар. Уларга ишлаб чиқариш заҳиралари, товар моддий заҳиралар, пул маблағлари эквиваленти, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқалар киради.

Фаолиятда иштирок этиш даражасига кўра барча хусусий капиталлар фаол ва фаол бўлмаган ҳусиятларга эга бўлиши мумкин. Одатда, айланма маблағлар, асосий воситаларнинг фаол қисми (машина ва механизмлар) корхона фаолиятида фаол иштирок этади ва кўпроқ фойда келтиради. Ҳисоб-китоблар бўйича бошқа мижозларда бўлган хусусий капитал, яъни дебиторлик қарзлар корхона фаолиятининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Турган жойига кўра хусусий капитал, яъни фойдаланишдаги ва заҳирадаги хусусий капиталга бўлинади. Фойдаланишдаги капитал бу акциядорлик жамиятларининг молиявий-хўжалик фаолиятини юритишда қатнашаётган капиталдир. Заҳирадаги капитал эса вақтинчалик қурилиши тугатилмаган бинолар, цехлар, ишлаб чиқаришга мўлжалланиб сотиб олинган лекин, маблағ етишмаслиги сабабли вақтинча омборда туриб қолган ускуна ва жиҳозлардан иборатдир.

Тури ва кўриниш белгисига кўра хусусий капитал реал моддий-товар захиралар бойликларидан иборат бўлади, яъни у, бино, иншоотлар, материаллар, тайёр махсулотлар, товарлар, пул маблағлари ва бошқалар ҳисобига шаклланади.

Корхоналар, шу жумладан, акциядорлик жамиятининг хусусий капиталини шакллантириш манбалари ичида энг муҳим ролни устав капитали ўйнайди. Ҳисоб-китобларга кўра устав капиталининг ҳажмининг жами хусусий капиталдаги ҳиссаси кўпчилик корхоналарда, шу жумладан акциядорлик жамиятларида 90% гача боради.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида янги ташкил этилаётган корхоналар ўз молиявий ва моддий ресурсларини мустақил шакллантиради. Бундай ресурслар, одатда, корхона таъсисчилари томонидан ўз хусусий мулкларини устав капиталига улуш сифатида қўшиш билан яратилади.

1.2. Акционерлик жамиятларида акциядорларининг реестрини шакллантириш тартиби.

Жамият акциядорларининг реестри рўйхатдан ўтказилган акциялар эгаларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган, уларга тегишли акцияларнинг номи, сони, номинал қиймати ва тури, шунингдек реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларга ахборотни юбориш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилган рўйхатидир.

Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш қимматли қоғозлар эгаларининг депозитарийлардаги депо ҳисобварақлари ҳолатига кўра марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.⁹

Агар жамиятга нисбатан «олтин акция»ни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, жамият акциядорларининг реестрига давлат вакили ҳам киритилади.¹⁰

Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

Жамият акциядорларининг реестрига ўз гартиш ва қўшимчалар киритилишига йул қўйилмайди, мазкур реестр шакллантирилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бўз илган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни шакллантиришда йул қўйилган хатолар тўз атилган ҳоллар бундан мустасно.

Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш учун депозитарийлар:

⁹ "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (кейинги ўзгаришлар ва қўшимчалар билан).

¹⁰ "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (кейинги ўзгаришлар ва қўшимчалар билан).

реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларнинг идентификация қилинишини;

реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларнинг ахборот олишга ва уларга ахборот юборилишига ҳамда реестр шакллантирилишига имкон берадиган акцияларга бўлган ҳуқуқлари ҳисобга олинишини;

реестрга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига сабаб бўладиган ҳужжатларнинг ҳамда барча фактлар тўғрисидаги ҳамда депозитарийларнинг бундай ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир барча ҳаракатлари ҳақидаги ахборотнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида тўпланиши ва сақланишини таъминлаши керак.

Жамият акциядорларининг реестрида рўйхатдан ўтказилган ҳар бир шахс ҳақидаги, унинг номига ёзилган акцияларнинг сони ва турлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Марказий депозитарий жамиятлар акциядорларининг реестрлари шакллантирилишини таъминлаши ва шакллантирилган реестрларни сақлаши шарт, жамият эса давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан бир ойдан кечиктирмай Марказий депозитарий билан жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш учун шартнома тўз иши шарт.

Акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарийни ўзига оид маълумотлардаги ўз гаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

Депозитарий ҳисобварағидан кучирма акциядорнинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини тасдиқлайдиган, депозитарий томонидан бериладиган ҳужжатдир.

Акциядорга унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарий акция эгасининг ёки унинг қонуний вақилининг талабига кўра икки иш куни ичида депозитарий ҳисобварағидан кучирма бериши шарт.

Депозитарий ҳисобварағидан кўчирма берган депозитарий унда кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги учун жавобгар бўлади. Депозитарий ҳисобварағидан кучирма бериш тартиби, кучирманинг шакли ва мазмунига оид талаблар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш жамиятнинг ёки қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг топшириғи, шунингдек "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси. Қонуннинг 65-моддасида (Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши) назарда тутилган ҳолларда акциядорларнинг ёзма мурожаати асосида Марказий депозитарий томонидан амалга оширилади. Реестрнинг қайси санада шакллантирилиши реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқда кўрсатилади.¹¹

Жамият жамиятнинг акциядорлари реестрини шакллантириш тўғрисидаги топшириқларга имзо қуйиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳақида Марказий депозитарийни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Жамият акциядорларининг реестрига давлат вакили унинг вакил этиб тайинланганлиги тўғрисидаги тегишли қарор илова қилинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қумитасининг ёзма билдириши асосида Марказий депозитарий томонидан киритилади.

Жамият акциядорларининг реестрини шакллантиришни рад этишга йул қўйилмайди, қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш рад этилган тақдирда, Марказий депозитарий реестрни шакллантириш рад этилганлиги

¹¹ "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 44-модда

тўғрисидаги асослантирилган билдиришни жамиятнинг топшириғи келиб тушган пайдан эътиборан беш кундан кечиктирмай юборади.

Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш асоссиз рад этилганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш тартибини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Жамият, трансферагент, Марказий депозитарий ва қимматли қоғозларнинг номинал сакловчилари жамият акциядорлари реестридаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги учун солидар жавобгар бўлади ҳамда ўзининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли акциядорга етказилган зарарнинг ўрнини коплаши шарт.¹²

Қимматли қоғозларнинг номинал сакловчилари депозитарийлардир.

Акцияларни саклаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказий депозитарийда амалга оширилади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

❖ Ўзбекистонда мустақиллик йилларидан сўнг амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, жумладан ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш, ҳамда хусусийлаштириш мамлакатимизда акционерлик жамиятлари фаолиятига бўлган талабни ошишига сабабчи бўлди. Акционерлик жамиятларининг мамлакатимиз бозорида ўз ўрнини белгиловчи асосий омил акционерлар ва таъсисчилар эҳтиёжини максимал даражада қондириш, яъни кўрсатиладиган иш(хизматлар) сифатини ошириб акциялар бозор қийматини ошириш ҳисобланади.

❖ Ўзбекистонда акционерлик жамиятлари иши яхши ривожланмаганлиги, уларнинг хизматлари сифатли даражада бўлмаётганлигининг асосий сабаби мавжуд қонунчилигимизда акционерлик жамиятлари фаолиятининг моҳияти, жамият фаолиятини таъминлаш тартиби,

¹² "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни.

унинг меёри ва унга қўйилган талаблар, шунингдек сифат даражасини белгиловчи омиллар, уни амалга оширувчи субъектлар ва уларнинг вазифалари аниқ белгиланмаганлигидадир.

❖ Ўзбекистондаги аксарият акционерлик жамиятларида назорати тизими умуман ишлаб чиқилмаганлиги ёки мавжуд тизим тўла шакиллантирилмаганлиги ва замонавий ички аудит тизими талабларидан анча йироқлашиб кетганлиги сабабли кўп ҳолларда мамлакатимиздаги акционерлик жамиятларида камчиликларга йўл қўйиш учрамоқда.

II Боб. “Ўзбеккўмир” ОАЖ тизимида хусусий капитал ҳисобини ташкил этишнинг хусусиятлари.

2.1. Янги ташкил этилган акционерлик жамиятларида устав капиталининг шаклланиши ҳисоби.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар ўз молиявий ресурсларини мустақил шакллантиришлари мумкин. Корхона молиявий ресурсларинининг асосий манбалари бўлиб фойда, амортизация ажратмалари, қимматли қоғозларни сотишдан олинган маблағлар, акционерлар юридик ва жисмоний шахсларнинг пай ва бошқа бадаллари, шунингдек кредитлар ва қонунчиликка зид бўлмаган бошқа тушумлар ҳисобланади.

Корхонанинг ўз маблағларини шакллантириш асосий манбаи бўлиб унинг мулкдорлари томонидан корхонага қўйилган маблағлар мажмуи бўлган устав капитали ҳисобланади. Устав капиталини шакллантириш тартиби қонунчилик ва таъсис ҳужжатлари билан амалга оширилади.

Чунончи, давлат корхоналарининг устав фонди корхона фойдаланишга топширилган вақтида ўз фаолиятини амалга ошириш учун давлат томонидан (бюджет ҳисобидан) ажратилган маблағлар (қурилиш, монтаж, созлаш ишлари ҳаражатлари, асбоб — ускуналар, айланма маблағлар ва пул маблағлари қиймати) ни акс эттиради.

Нодавлат тижорат тузилмаларнинг устав капитали акционерлар (таъсисчилар) томонидан қўйилган (пул, моддий ва бошқа) маблағлар ҳисобидан шакллантирилади ва шунинг учун ҳам бир неча юридик ва жисмоний шахслар - акционер жамиятини, ширкат ва бошқа ташкилий - ҳуқуқий шаклдаги жамоат мулкини ташкил этади.

Юридик шахснинг кенг тарқалган тури бўлиб акционер жамиятлари ҳисобланади ва шунинг учун акционер жамиятларининг устав капитали ҳисобини кўриб чиқамиз.

Акционер жамияти деб махсус ном билан таъсис этиладиган, маълум миқдорда тенг қисмларга бўлинган (акциялар) асосий (устав) капиталига эга бўлган, ва мажбуриятлари бўйича фақат ўзининг мулки билан жавоб

берадиган юридик шахслар тушунилади.¹³ Бу таъсисчиларнинг тенглик принципига асосланган ихтиёрий бирлашмадир. Асосий шarti - фаолиятига ўз капиталини қўйиш, яъни акционер жамияти (АЖ) - бу капиталнинг бирлашиши демакдир. Акционер жамиятининг фаолияти устав билан белгиланади. Акционер жамиятининг мажбуриятлари бўйича акционерлар мулклари билан тўла масъулиятли эмас, уларнинг масъулиятлари фақат устав капиталига қўйилма билан чекланади.


Жамият устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича тўрт юз минг АКШ долларига тенг суммадан камни ташкил этмаслиги керак.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) жамият уставида назарда тутилган миқдорда шакллантиришнинг энг кўп муддати жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ Акционер жамиятининг устав капиталини ҳажми унинг уставида кўрсатилган ва унинг ўзгариши учун белгиланган тартибда амалга оширилади. Устав капитали миқдорини ўзгартириш тўғрисидаги қарор, агар корхонанинг устав капиталини янги миқдори рўйхатдан ўтказилган бўлса, умумий мажлис қабул қилган кундан бошлаб кучга киради.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ нинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йули билан кўпайтирилиши мумкин.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Давлат Мулк қўмитаси ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан 2002 йил 25 мартда 47, 10-1-48, 2002-33-сонли қарори билан қабул қилинган "Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат тасаруффидаги (давлат улуши) акциялар бўйича дивидендларни ҳисоблаш, тўлаш ва мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом".



3-чизма. ОАЖ "Ўзбеккўмир"нинг Хусусий капиталининг ошиб бориш суръати структураси. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ нинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг номинал қийматини ошириш йули билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўз гартишлар киритиш ҳақидаги қарор лар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки, агар жамият уставига ёхуд акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамиятнинг кузатув кенгашига бундай қарор лар қабул қилиш ҳуқуқи тегишли бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Қўшимча акциялар эълон қилинган жамият уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ нинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йули билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки, агар жамият уставига ёхуд акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамиятнинг

кузатув кенгашига бундай қарор лар қабул қилиш ҳуқуқи тегишли бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ нинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йули билан кўпайтириш тўғрисидаги қарор да жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ нинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йули билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши мумкин.

Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги ёки акциянинг номинал қийматини ошириш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг номинал қийматини ошириш йули билан кўпайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат жамиятнинг ўз капитали ҳисобидан амалга оширилади.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йули билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йули билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йул қўйилмайди.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ нинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йули билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган холда жамият томонидан акцияларни олиш йули билан камайтирилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йули билан камайтиришга, агар бундай имконият жамиятнинг уставида назарда тутилган бўлса, йул қўйилади.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ устав фондини (устав капиталини) камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори жамият устав фондининг (устав капиталининг) жамият уставидаги тегишли ўз гартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аникланадиган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ нинг таъсис этилган пайтдаги устав капитали бир хилда номинал қийматга эга бўлган олдиндан белгиланган миқдордаги оддий ва имтиёзли акциялардан иборат бўлган. Акционерлик жамиятлари амалдаги қонунчилига мувофиқ муомалага чиқарилган акцияларнинг 20 фоизини имтиёзли ва қолган қисмини оддий акциялар кўринишида бўлиши мумкин. Акциянерли жамиятлар томонидан чиқарилаётган оддий ва имтиёзли

акцияларнинг номинал қиймати беш минг сўмдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Акциялар бир биридан фарқ қилади. Оддий акционерлар овоз беришга ҳақли, дивидендни эса иқтисодий субъектнинг якуний молиявий натижасига қараб олиши мумкин. Имтиёзли акционерлар эса овоз бериш ҳуқуқига эга эмас, бироқ улар молиявий натижа қандай бўлишидан қатъий назар олдиндан белгиланган фоиз миқдорида дивиденд олиш ҳуқуқига эгадирлар.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ акцияларни чиқариш ва уларни албатта тегишли реестрларда рўйхатдан ўтказилиши керак. Акцияларни тўлаш мулклар, иншоотлар, номоддий активлар ва бошқа моддий қийматликларни, сўмдаги ва хорижий валютадаги пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширади.

Жамият устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича турт юз минг АҚШ долларига тенг суммадан камни ташкил этмаслиги керак. “Ўзбеккўмир” ОАЖ нинг устав капитали 29 421,00 млн сўм.(хусусий капиталнинг суммаси 516 823,00 сўм).

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) жамият уставига назарда тутилган миқдорда шакллантиришнинг энг кўп муддати жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ нинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йули билан кўпайтирилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг номинал қийматини ошириш йули билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўз гартишлар киритиш ҳақидаги қарор лар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки, агар жамият уставига ёхуд акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамиятнинг кузатув кенгашига бундай қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи тегишли бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Қўшимча акциялар эълон қилинган жамият уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ нинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йули билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки, агар жамият уставига ёхуд акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамиятнинг кузатув кенгашига бундай қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи тегишли бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ нинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йули билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ нинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йули билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги ёки акциянинг номинал қийматини ошириш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг номинал қийматини ошириш йули билан кўпайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат жамиятнинг ўз капитали ҳисобидан амалга оширилади.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ нинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йули билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ нинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йули билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йул қўйилмайди.

“Ўзбеккўмир” ОАЖнинг устав капиталини шакллантириш учун номинал қиймати 10 000 сўм бўлган 2 942 087 дона оддий акциялар обунага чиқарилган ва “Ўзбеккўмир” ОАЖнинг 179-қарорига биноан акционерлар реестрига рўйхатга олинган. Қуйидаги жадвалда “Ўзбеккўмир” ОАЖнинг акцияларининг тақсимланишини кўриб ўтамиз:

1-жадвал

№	Акция пакетлари эгалари	%	Акциялар сони	Номинал қиймати, (минг сўмда)
1	ГАК “Ўзбекэнерго	51%	1 500 464.0	15 004 640.0
2	“Давлат активларини бошқариш маркази” Давлат унитар корхонаси	35.55%	1 045 853.0	10 458 530.0
3	Ишчи коллектив	5.0%	147 105.0	1 471 050.0
4	Бошқа акционерлар	8.45%	248 665.0	2 486 650.0
	Улардан жисмоний шахслар	1.43%	42 171.0	421 710.0

1-жадвал. “Ўзбеккўмир” ОАЖнинг акцияларининг тақсимланиши. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Акциялар эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йул қўйилмайди.

Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилаётганда акцияларга куйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан катъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий ёки имтиёзли акция жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

Чиқариладиган акцияларнинг турлари, уларни жойлаштириш, улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби жамият уставида белгиланади.

«Олтин акция» давлатнинг айрим жамиятларни бошқаришда иштирок этишига доир махсус ҳуқуқи бўлиб, у стратегик аҳамиятга эга бўлган давлат корхоналари хусусийлаштирилаётганда ёки жамиятларнинг давлат акция пакетлари хусусий мулк этиб реализация қилинаётганда Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан жорий этилади ва мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди.¹⁴

«Олтин акция» қийматга эга бўлмайди, бошқа шахсга ўтказилмайди ҳамда гаровга берилмайди, жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдорини белгилашда ва дивидендларни ҳисоблашда инобатга олинмайди.

«Олтин акция» жамиятнинг устав фондида (устав капиталида) давлат улуши мавжуд бўлмаган ёки бу улуш жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма беш фоиздан ошмайдиган жамиятларда жорий этилиши мумкин. Давлатнинг «олтин акция»дан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

«Олтин акция» жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига давлат вакилини (бундан бўён матнда давлат вакили деб юритилади) тайинлаш воситасида реализация қилинади. Давлат вакили жамият акциядорларининг умумий йигилишида ва кузатув кенгаши мажлисларида "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи — тўртинчи, еттинчи, саккизинчи ва йигирма учинчи хатбошиларида, шунингдек 75-моддаси биринчи қисмининг ўн тўққизинчи — йигирма биринчи хатбошиларида ҳамда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган масалаларга оид қарорларга вето қўйиш ҳуқуқи билан мажбурий тартибда иштирок этади. Вето қўйиш ушбу қарорлар қабул қилинган куни ёзма шаклда амалга оширилади.

Устав (фонди) капиталининг ҳисоби 8300 “Устав капитали (фонди)” сче­тида юритилади. Бу счет пассив бўлиб қуйидаги счетларга бўлинади:

8310 “Оддий акциялар”

8320 “Имтиёзли акциялар”

8330 “Пай ва қўйилмалар”

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 2002 йил 30 август ҳолатига ўзгаришлар билан. 1996 йил 29 августда 257-1-сонли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан 1997 йил 1 мартдан қучга киритилган.

Юқорида келтирилган счетлар давлат корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотларининг устав фондини ва акционер жамиятлари ва ширкатларнинг устав капиталини ҳисобга олиш учун тайинлаган.

Бу счетларнинг дебет оборотлари устав капиталини камайишини, кредит обороти эса қонунчиликка биноан турли сабабларга кўра устав капиталини кўпайишини кўрсатади.

8310, 8320 ва 8330 - счетларда акс эттириладиган муомалаларнинг ҳисоби 12 - журнал - ордерда юритилади.

Акционер жамиятларининг таъсисчилари (акционерлар) билан олиб бориладиган ҳисоб — китоблар тартибини кўриб чиқамиз.

Акционер жамият рўйхатдан ўтгандан сўнг рўйхатдан ўтказилган устав капитали суммасига жамият олдида акционерларнинг қарзи вужудга келади. Таъсисчилар билан олиб бориладиган ҳисоб - китобларнинг ҳисоби 4610 “Устав капитали (фонди)га бадаллари бўйича таъсисчиларнинг қарзлари” сче­тида олиб борилади.

Рўйхатдан ўтказилган устав капитали суммасига 4610 “Устав капитали (фонди)га бадаллари бўйича таъсисчиларнинг қарзлари” сче­ти дебетланиб 8310 “Оддий акциялар”, 8320 “Имтиёзли акциялар” ва 8330 “Пай ва қўйилмалар” счетлари кредитланади.

маблағлари, материал қийматликлар ва мулклар қийматини кўрсатади.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ нинг акционерлари махсус реестрда рўйхатга олинган. Қўйилмалар бўйича акционерлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобнинг аналитик ҳисоби акционерларнинг ҳар бири бўйича карточкаларда ёки қайдномаларда устав капиталига қўйилмалар бўйича қарзлари, қарзларни қайтариш муддати, қарзни қайтариш ҳисобига топширилган активлар суммаси кўрсатилган ҳолда юритилади. Сотиб олинган акциялар суммасини таъсисчилар асосий воситалар, номоддий активлар, сўмда ва хорижий валюта пул маблағлари ва бошқа материал қийматликлари билан тўлаш мумкин. Ушбу қийматликларни таъсис этувчилар томонидан келишилган қийматда ҳисобда акс эттирилади.

2.2. Акциядорларга дивидендларнинг ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.

Акционер жамиятларининг хўжалик фаолияти амалдаги қонунчилик асосида олиб борилса, уларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ва молия - хўжалик фаолиятининг ҳисоби 1999 йили 5 февралда тасдиқланган харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга асосан юритилади, Чунончи, жамият томонидан олинган баланс фойдага харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 1 ва 2 - иловаларига биноан ҳисобот даврида сотилган маҳсулот таннархига ёки давр харажатларига ёки фойдани камайтиришга киритилган харажатлар қўшилади. Натижада солиққа тортиладиган база аниқланиб, ундан фойда (даромад)дан ажратма солиғи суммаси ҳисобланади.

Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлайди.

Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тулов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ нинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йул қўйилмайди.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, туккиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, агар Қонун ва “Ўзбеккўмир” ОАЖ уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ ўз капитали билан ҳам бошқа ташкилотлар уставига ҳисса қўшиб акция пакетлари ҳамда улушларига эга. Қуйидаги жадвалда бу ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўламиз:

№	Ташкилот номлари	Жами	Устав	Акция
1	ГЗАО “Аппартак”	130 360 920.00		130 360 920.00
2	ООО “Туркистон кўмир”	488 900.00		488 900.00
3	ТГРФ УзПСБ	583 569 000.00		583 569 000.00
4	ООО “Кўмиретказувчи”	2 764 962 000.00	2 764 962 000.00	
5	ООО “Хоразм кўмир таъминот”	19 895 459.00	19 895 459.00	
6	ООО “СП Азия БелАЗ сервис”	56 000 000.00	56 000 000.00	
7	СП ООО “Каолин”	4 851 392 000.00	4 851 392 000.00	
8	ООО “Осиё цемент инвест”	4 132 310 000.00	4 132 310 000.00	
9	ОАО “Шаргун кўмир”	3 288 802 000.00	3 063 802 000.00	225 000 000.00
	Жами	15 830 346 000.00	14 955 884 680.00	874 461 320.00

2-жадвал. “Ўзбеккўмир” ОАЖ ўз капитали билан ҳам бошқа ташкилотлар уставига ҳисса кўшиши. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар туламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун махсус мулжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни

тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сунгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича катъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин. “Ўзбеккўмир” ОАЖ етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.¹⁵

Жамият акциядорларининг реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кучирма ҳамда жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида кайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

¹⁵ "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (кейинги ўзгаришлар ва қўшимчалар билан).

Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади.

Жамият томонидан ҳисобланган дивидендларни ва пеняларни тўлашни акциядор суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендларни тўлаш жамият томонидан рад этилган тақдирда, жамиятга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

3-жадвал

	жамият устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;
	агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;
	агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва заҳира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

3-жадвал. Дивиденд тўламаслик шартлари.¹⁶

Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва

¹⁶ Аудит. Дарслик. М.М. Тулаходжаева, Ш.И. Илхомов, К.Б.Ахмаджонов ва бошқ. Т.: Иқтисодиёт, 2011.

жамиятнинг расмий вебсайт-ларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади

Дивидендларга солиқ солиш солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва бунда солиқ солиш бўйича имтиёзлар белгиланиши мумкин.

Фойданинг қолган суммаси (солиққа тортилганга қадар умумий молиявий натижа минус фойдадан ажратма солиғи суммаси) соф фойда ҳисобланиб, у акционерлар мажлисининг қарорига биноан тақсимланади. Меҳнат жамоасининг тассарруфида, қолган соф фойда, одатда, икки мақсадга фойдаланилади: дивиденд тўлашга ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда ижтимоий эҳтиёжлар учун. Дивиденд ҳар чоракда ёки ҳар олти ойда ёки бир йилда бир марта тўланиши мумкин. Оралиқ дивиденд директорлар (назорат) кенгаши томонидан эълон қилиниб қатъий белгиланган миқдорда бўлади. Йиллик дивидендлар миқдори акционерларнинг умумий мажлиси томонидан йиллик иш натижаси бўйича белгиланади. Йиллик дивидендларга оралиқ ҳисобланган дивидендлар қўшилмайди. Дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш Молия Вазирлиги ва Давлат мулк қўмитаси томонидан 1999 йил 26 ноябрда қабул қилинган “Акционерлар жамиятлари томонидан дивидендлар ҳисоблаш, тўлаш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом” га асосан расмийлаштирилади.

Имтиёзли акциялар бўйича олдиндан белгиланган дивиденд уларни муомалага чиқарган пайтда кўрсатилади. Бундай акциялар бўйича дивидендлар олинган фойда миқдоридан қатъий назар биринчи навбатда ҳисобланади ва тўланади. Башарти имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш учун олинган фойда етарли бўлмаса, махсус ташкил этилган резерв капитали ёки бошқа манбалардан фойдаланилади. Муомалага чиқарилмаган акциялар бўйича дивиденд ҳисобланмайди. Агар АЖ уставида назарда тутилган бўлса, дивидендлар акциялар, облигациялар, товарлар билан тўланиши мумкин. Жамият солиқни ҳисобга олмаган ҳолда дивиденд эълон қилади. Дивиденд фақат қўшилган улушга ёки сотиб олинган акциялар

учун тўланган суммага мутаносиб равишда берилади. Дивиденд тарзида олинган даромаддан солиқ дивидендларни тўлаш манбаида, яъни акционер жамиятида ушлаб қолинади.¹⁷

Акционерлар билан даромадлар бўйича олиб бориладиган ҳисоб 6610 “Тўланадиган дивидендлар” счётида юритилади. Бу счёта пассив бўлиб, унинг кредит қолдиғи АЖ нинг акционерлар олдидаги қарзини кўрсатади, дебет обороти ушланган солиқ ва тўланган дивидендлар суммасини акс эттиради.

Дивидендлар акционерларнинг умумий мажлиси баённомаси ва қарорига биноан ҳам ушланган солиқлар тўғрисидаги бухгалтериянинг маълумотномаси бўйича ҳисобланади. Дивидендларни нақд пул ва нақд пулсиз тўланиши касса чиқим ордери ва тўлов топшириғи билан расмийлаштирилади.

Юридик ва жисмоний шахсларга тўланадиган дивиденд ва фоизлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган (Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 29 ва 56 бандлари) ставкаларда тўлаш манбаида солиққа тортилади.¹⁸

Акционерлар пул кўринишида дивиденд эълон қилинганда қуйидагича бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштирилади:

Дебет 8710 “Жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси” счёти

Кредит 6610 “Тўланадиган дивидендлар” счёти

Ушбу дивиденд суммасидан дивиденд солиғи ушлаб қолинганда, унинг ставкаси бугунги кунда 10% деб белгиланган, қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет 6610 “Тўланадиган дивидендлар” счёти

Кредит 6410 “Бюджетга солиқлар бўйича қарзлар” счёти

Акционерларга дивиденд берилганда қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет 6610 “Тўланадиган дивидендлар” счёти

¹⁷ “Акционерлар жамиятлари томонидан дивидендлар ҳисоблаш, тўлаш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом”

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси ўзгаришлар билан. 1997 йил 24 апрелда 391-6-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тасдиқланган.

Кредит 5010 “Касса” счети ёки

Кредит 5110 “Ҳисоб-китоб” счети

Акционерларнинг умумий мажлисида акционерлар дивидендни акция кўринишда олишга қарор қилсалар у ҳолда, қўшимча чиқарилаётган акцияларнинг миқдори, унинг номинал ва бозор баҳоси ўрганилиб чиқиш зарур. Ушбу масалани ўрганиш учун қуйидаги мисолни ўрганиб чиқамиз.

Мисол, акционерлик жамиятнинг муомалада 1000000 дона оддий акцияси акционерлар ўртасида жойлаштирилган. Унинг номинал баҳоси 100 сўм. Бозор баҳоси эса 150 сўм. Акционерлар умумий мажлисида муомалада бўлган акциялар миқдорининг 15% миқдорида дивиденд эълон қилишди.

Акционерлик жамият қўшимча равишда 150000 ($1000000 \cdot 15\%$) дона оддий акция чиқариши лозим.

Эълон қилинган дивиденд суммаси 22500000 ($150000 \cdot 150$) сўмни ташкил қилади, чунки қўшимча равишда чиқариладиган акцияларнинг миқдори бозор баҳосига жиддий таъсир кўрсатмайди.

Акцияларнинг номинал баҳоси 15000000 ($150000 \cdot 100$) сўм. Номинал ва бозор баҳоси ўртасидаги фарқ 7500000 ($22500000 - 15000000$) сумма эмиссион даромад ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган хўжалик муомаласига қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет	8710 “Жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси” счети	22 500 000 сўм
Кредит	8310 “Оддий акциялар” счети	15 000 000 сўм
Кредит	8410 “Эмиссион даромад” счети	7 500 000 сўм

Акционер жамиятидан чиқиб кетаётган таъсисчилар билан олиб бориладиган ҳисоб - китоблар ҳисоби 6620 “Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар” счетида юритилади. Бу счет пассив бўлиб кредитида чиқиб кетаётган таъсисчиларга тўланадиган сумма акс эттирилса, дебетида уларга тўланган сумма кўрсатилади.

Акционерлик жамият ўз акцияларини айрим пайтларда сотиб олиши мумкин. Сотиб олишнинг бир қанча мақсади бор. Жумладан, сотиб олинган акцияларга дивиденд тўламаслик, бир дона акцияга тўғри келадиган фойда коэффицентини яхшилаш, ходимларни моддий рағбатлантириш, бошқа корхона томонидан сотиб олиш олдини олиш, нархларнинг ўзгариши натижасида фойда олиш ва бошқа мақсадлар кўзлаган ҳолда сотиб олиш мумкин.

Акционерлардан акциялар сотиб олинса, 8610 “Сотиб олинган хусусий акциялар - оддий” ёки 8620 “Сотиб олинган хусусий акциялар - имтиёзли” счетлари дебетланиб 5110 “Ҳисоб-китоб” смети кредитланади.

Акционерлик жамият сотиб олинган ўз акцияларни бир йил давомида ўзида сақлаб туриши мумкин. Бир йил ичида сотиб олинган акцияларни бозорда қайта сотмаса, у ҳолда ушбу акцияларни бекор қилиниши лозим. Ўз сотиб олган акцияларни сотиб олинган баҳосида, паст баҳода ёки юқори баҳода сотиши мумкин. Агар корхона сотиб олган баҳосида мисол учун 150 сўмдан сотса, у ҳолда сотиб олишга нисбатан тескари бухгалтерия проводкаси берилади. Агар сотиб олиш баҳосига нисбатан паст баҳода 135 сўмдан сотса у ҳолда, сотиб олиш билан сотиш баҳолари ўртасидаги фарқ 15 сўм (150-135) акционерлик жамиятнинг зарари ҳисобланади ва қуйидагича бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштирилади:

Дебет	5110 “Ҳисоб-китоб” смети	135 сўм
Кредит	9690 “Молиявий фаолиятдан бошқа зарарлар” смети	15 сўм
Кредит	8610 “Сотиб олинган хусусий акциялар – оддий” смети	150 сўм

Агар акционерлик жамият сотиб олган акциясини сотиб олиш баҳосига нисбатан юқори баҳода 175 сўмдан сотса у ҳолда, сотиб олиш билан сотиш баҳолари ўртасидаги фарқ 25 сўм (175-150) акционерлик жамиятнинг фойдаси ҳисобланади ва қуйидагича бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштирилади:

Дебет	5110 “Ҳисоб-китоб” счёти	175 сўм
Кредит	8610 “Сотиб олинган хусусий акциялар – оддий” счёти	150 сўм
Кредит	9590 “Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар” счёти	25 сўм

6610 “Тўланадиган дивидендлар” ва 6620 “Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар” счётлари бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир акционер бўйича 7-ведомостда юритилади. Синтетик ҳисоб эса 8 – журнал - ордерда акс эттирилади.

Акционер жамиятларида қўшилган капиталнинг бухгалтерия ҳисоби 8400 “қўшилган капитал ҳисоби счётлари” нинг қуйидаги счётларида ҳисобга олинади:

8410 “Эмиссион даромад”

8420 “Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар”

Юқоридаги счётлар оддий ва имтиёзли акциялар бўйича номинал қийматидан ортиқ олинган, шунингдек устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқларини суммаларини ва уларнинг ҳаракатини умумлаштириш учун тайинланган.

8410 “Эмиссион даромад” счётида акцияларни таъсисчиларга бирламчи сотишда номинал қийматидан ортиқча тушган сумма ҳисобга олинади. Бу вақтда 5010, 5110, 5210 -счётлар дебетланиб 8410 “Эмиссион даромад” счёти кредитланади. Бу счётнинг дебетида ўз акцияларини сотиб олиши ва бекор қилишда ташкил бўлган салбий фарқ суммаларини қопланиши акс эттирилади. Бу вақтда 8410 “Эмиссион даромад” счёти дебетланиб 8610 “Сотиб олинган хусусий акциялар - оддий” ва 8620 “Сотиб олинган хусусий акциялар - имтиёзли” счётлари кредитланади.

8410 “Эмиссион даромад” счёти бўйича аналитик оддий ва имтиёзли акциялар бўйича алоҳида юритилади.

8420 “Устав капиталини шакллантиришда фарқлар” счёти устав капиталини шакллантириш вужудга келадиган курсдаги фарқларни ҳисобга олиш тайинланган.

Устав фондини шаклланишида валюта ва валюта қийматликлари устав фондига бадал сифатида қўйилган вақтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича баҳоланади. Валюта ва валюта қийматликлари ва бошқа мулкларнинг баҳоси таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш пайтидаги баҳосидан фарқланиши мумкин. Бу вақтда вужудга келадиган курсдаги фарқи 8420 “Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар” счётида ҳисобга олинади.

Баҳолар орасидаги ижобий фарқ суммасига мулк, валюта ва валюта қийматликларини ҳисобга оладиган счётлар дебетланиб, 8420 “Устав фондини шакллантиришда курсдаги фарқлар” счёти кредитланади, салбий фарқи эса аксинча проводкалар билан расмийлаштирилади. Баҳолардаги фарқларни шу тартибда ҳисобдан чиқариш таъсис ҳужжатларида келишилган таъсисчиларнинг устав капиталдаги улушини ўзгартирмаслик имкониятини беради.

Устав капиталини шакллантиришда вужудга келадиган курс фарқларининг аналитик ҳисоби, акционерлик жамиятининг акционерлари билан олиб бориладиган ҳисоб- китоблар ҳисобидан ташқари, ҳар бир таъсисчилар бўйича юритилади.

“Ўзбеккўмир” ОАЖ умумий мажлис қарори бўйича акцияларни номинал қийматини кўпайтириш ёки қўшимча акциялар чиқариш йўли билан устав капиталини кўпайтиришлари мумкин. Содир бўлган зарарларни қоплаш учун устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди. Акционерларнинг умумий мажлиси устав капиталини камайтириш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинади. Устав капиталини камайтириш акцияларни номинал қийматини камайтириш йўли билан ёки акцияларни умумий сонини камайтириш мақсадида уларнинг бир қисмини сотиб олиш йўли билан амалга оширилади. Акционер жамиятининг устав капиталини камайтириш жамиятнинг барча кредиторларини огоҳлантиргандан сўнг амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликка биноан хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг соф фойдасидан таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорда резерв капитали ташкил этиши мумкин. Резерв капиталига ҳар йили уставда белгиланган миқдоргача ажратилади.¹⁹

Башарти амалдаги қонунчилик ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, бошқа тижорат ташкилотлари ҳам резерв капиталини ташкил этишлари мумкин.

Резерв капиталининг миқдори устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ташкил қилиниши лозим. Резерв капиталига ажратма ҳар йили корхона ихтиёрида қолаётган соф фойданининг энг камида 5 фоизгача ажратма ҳисобланиши лозим. Ажратма ҳар йили амалга оширилади керакли миқдоргача етмагунча.

Резерв капиталининг тайинланиши - содир бўладиган корхонанинг баланс зарари ва бошқа тўловларини қоплашдир.

“Ўзбеккўмир” ОАЖда резерв капиталидан, фойда етарли бўлмаган ёки йўқ бўлган ҳолларда, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш учун ҳам фойдаланилади.

Резерв фонди ҳаракатининг ҳисоби 8520 “Резерв капитали” счегининг счегларида ҳисобга олинади.

8520 “Резерв капитали” счегида хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорда резерв капитали ташкил этилганда ёки тўлдирилганда, акс эттирилади. Бу вақтда 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” счег дебетланиб 8520 “Резерв капитали” счеги кредитланади.²⁰

Резерв капиталидан фойдаланилиши 8520 “Резерв капитали” счегининг дебетида акс эттирилади. Масалан, акционер жамиятининг имтиёзли акциялари бўйича дивиденд тўлаш учун фойдаси бўлмаса, ёки етмаса резерв

¹⁹ 1-сонли “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС). Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган

²⁰ Аудит. Дарслик. 1-2 жилд. М.М. Тулаходжаева ва Ш.И. Илхомовларнинг умумий таҳрири остида.. Т.: Норма, 2008.

капитали ҳисобидан дивидендлар ҳисоблаш бўйича қуйидагича проводка берилади:

Дебет 8520 “Резерв капитали” счёти

Кредит 6610 “Тўланадиган дивидендлар” счёти

Иккинчи боб бўйича хулосалар.

1. Барча акционерлик жамиятларида улар томонидан қилинаётган ишлар кўрсатиладиган хизматлари акционерлик жамиятлари фаолиятини тартибга солиб турувчи қонунчилик меёрларига мос равишда ўтказилишини таъминловчи ички назорати тизими ташкил қилиниши ва такомиллаштирилиб борилиши лозим.

2. Акционерлик жамиятларида фаолиятни ривожлантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилувчи асосий йуналишлардан бири стандартлаштиришдир, яъни акционерлик жамиятлари томонидан ички стандартларни, меёрлар ва низомларни, ички назорат механизмаларини ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатларни ишлаб чиқишдир.

3. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган ва таклиф қилинаётган “Ички назорати ва уни амалга ошириш” стандартининг талабларининг бажарилиши акционерлик жамиятлари фаолиятида ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

III Боб. Акционерлик жамиятларида аудиторлик назоратини ташкил этиш ва хусусий капитал аудитини ўтказишни такомиллаштириш.

3.1. Аудитнинг мақсади, вазифалари ҳамда уни режалаштириш.

Корхона устав капитали унинг устави ва таъсис шартномасига мувофиқ қоидага кўра, таъсисчиларнинг ҳиссалари ҳисобига барпо этилади. У корхона-нинг хўжалик фаолиятидан олинadиган фойдаси ҳисобига, зарур бўлганда таъсисчиларнинг мақсадли бадаллари ҳисобига ҳам тўлдирилиши мумкин.

Корхона устав капиталига ҳисса сифатида бинолар, иншоотлар, қурилмалар ва бошқа моддий қийматликлар: эр, сув ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари, Шунингдек, бошқа мулкӣ ҳуқуқлар (шу жумладан, кашфиётлардан фойдаланиш учун, «НОУ ХАУ» ва бошқа номоддий активлар) қўшма корхона иштирокчи давлатларининг валюталаридаги эркин айирбошладиган валюталарда пул маблағлари қўшилишлари мумкин.

Устав капиталини аудиторлик текширувидан ўтказишдан мақсад, устав капиталининг ҳолати акс эттириладиган молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилиги ҳамда уни ҳисобга олиш услубиятининг меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги тўғрисида фикр шакллантиришдан иборат.

Текширувни корхона юридик мақомини ва уставида белгиланган фаолият турларини, таъсисчилар ва улар улушларининг таркиби ҳамда суммасини, устав капиталининг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун йетарлилигини аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофиқ.

Таъсис ҳужжатлари, устав капиталини шакллантиришга доир дастлабки ҳуж-жатлар, ҳисоб регистрлари ва ҳисобот маълумотларини текшириш қуйидаги тартиб-да амалга оширилади:

– таъсис ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси) мавжудлиги, шакллари ва тўғри расмийлаштирилганлиги.

– таъсис ҳужжатлари мазмунининг амалдаги қонунчилад ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги.

– таъсисчилар улушларининг устав капиталига тўлиқ ва ўз вақтида қўшилиши.

– таъсисчилар мулк шаклида қўшадиган улушларининг тўғри баҳоланишини текшириш.

– уставда кўрсатилган фаолият турларининг қонунийлигини текшириш.

– устав капитали ҳажмининг таъсис ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлиги.

– устав капиталининг тўлиқ ва тўғри шакллантирилганлиги.

– таъсисчиларнинг устав капиталига ўз улушларини қўшиш бўйича якуний ҳисоб-китоблар учун қонунда белгиланган муддатларга риоя қилиниши.

– устав капиталини шакллантиришга доир муомалаларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

– устав капиталига улушларнинг ҳақиқатан ҳам қўшилганлигини аниқлаш.

– устав капитали ҳажми ўзгаришининг асослилиги, устав ва таъсис шарт-номасининг қайта рўйхатдан ўтказилганлигини ҳамда бу ҳақда тегишли ҳисоб регистрлари ва ҳисоботда акс эттирилганлиги.

Ушбу вазифаларни бажариш учун қуйидаги маълумот манбалари таҳлил қилинади:

– корхонанинг ҳуқуқий мақомини, устав капиталини шакллантириш ва ҳисобга олиш масалаларини тартибга соладиган асосий қонун ҳужжатлари ва йўриқномалари.

– таъсис ҳужжатлари (нотариал идора томонидан тасдиқланган устав ва таъсис шартномаси).

– молиявий, статистик ва бошқа тегишли ҳисоботлар.

– устав капиталини шакллантириш бўйича муомалалар ҳисобга олинган дастлабки ҳужжатлар, аналитик ва синтетик ҳисоб регистрлари.

Меъёрий ҳужжатларга мувофиқлик масаласини текшириш учун устав ка-питалини шакллантириш ва ҳисобга олиш қоидаларини ўзида мужассамлаштирган меъёрий ҳужжатлар тўплами зарур. Бундай тўплам текширилаётган корхонанинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Аудитор таъсис ҳужжатларини текширишда қуйидагиларни аниқлайди:

- таъсис ҳужжатларида қандай фаолият турлари кўзда тутилган.
- ҳақиқатда амалга ошираётган фаолият турларининг таъсис ҳужжатларига мувофиқлиги.

- Ўзбекистон Республикасининг «Айрим фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ лицензияланиши лозим бўлган фаолият турлари ва лицензияларнинг мавжудлиги.

Лицензияланиши лозим бўлган фаолият турлари бўйича лицензиялар мавжудлиги ва уларнинг амал қилиш муддатлари текширилади. Чунки корхо-на бундай фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензия олинган ёки унда кўрсатилган вақтдан бошлаб эга бўлади ва ушбу ҳуқуқ лицензия амал қилиш муддати ўтиши билан тўхтатилади. Тегишли лицензияларга эга бўлмасдан амалга оширилган фаолият турлари ноқонуний ҳисобланади. Агар корхона битта таъсисчи томонидан ташкил этилган бўлса, бунда у мазкур таъсисчи томонидан тасдиқланган, тегишли ҳокимият органидан рўйхатдан ўтган ва нотариал идора томонидан тасдиқланган устав асосида фаолият кўрсатади. Таъсис ҳужжатлари билан танишиш аудиторга мулк эгаси ким эканлигини ва кимнинг манфаати учун текширув ўтказилаётганлигини аниқлашга имкон беради.

Агар корхона бир неча таъсисчилар томонидан ташкил этилган бўлса, у ҳолда таъсис шартномаси тўз илиши лозим, устав эса таъсисчилар томонидан тасдиқланган бўлиши лозим. Масалан, масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ) барча таъсисчилар томонидан имзоланган таъсис шартномаси ва устав асосида ташкил этилади ва фаолият кўрсатади.

Аудитор тегишли таъсис ҳужжатларининг мавжудлигини ва уларни тасдиқлаш ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига риоя қилинишини аниқлайди. Корхона таъсисчилар томонидан уни ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб эмас, балки давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлган деб ҳисобланади. Шу боис-дан, давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг мавжудлигини, агар таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган бўлса, қайта рўйхатдан ўтказилганлигини текшириш лозим.

Аудитор таъсис шартномаси билан танишишда, унда қандай шартлар келтирилганлигини аниқлайди. Жумладан:

- мулкларни улуш сифатида қўшиш (топшириш).
- фаолиятда иштирок этиш.
- фойда ва зарарларни таъсисчилар ўртасида тақсимлаш.
- корхона фаолиятини бошқариш ва унда таъсисчиларнинг иштироки.
- таъсисчиларнинг корхонадан чиқиши.

Масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ) таъсис шартномасида юқорида санаб ўтилган маълумотлардан ташқари қуйидаги шартлар ҳам бўлиши лозим:

- устав капиталининг таркиби ва ҳажми тўғрисида.
- ҳар бир таъсисчи улушининг ҳажми ва уни ўзгартириш тартиби.
- таъсисчилар улушларининг таркиби, ҳажми ва топшириш муддатлари
- улушларни қўшишга доир мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик.
- таъсисчилар томонидан қўшиладиган улушларнинг жами суммаси.

Аудитор корхона устави билан танишиш чоғида унда қуйидагилар кўрсатилганлигини аниқлайди:

- корхонанинг ўзига хос хусусиятлари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклини ифодаладиган номи.
- корхонанинг давлат рўйхатидан ўтказиладиган, жойлашган ўрни.

– устав капиталининг кўлами ва унинг барча таъсисчилар ўртасида улушларга тақсимланиши.

– корхонанинг мақсади ва фаолият турлари.

– ижро органларини сайлаш ёки тайинлаш тартиби.

– корхона бошқарув органининг таркиби ва ваколатлари ҳамда улар томонидан қарор қабул қилиш тартиби.

– дивидендлар тақсимлаш тартиби.

– амалдаги қонунчиликда кўзда тутилгани ҳамда таъсисчилар билан келишилган, лекин қонунчиликка зид келмайдиган бошқа зарур масалалар. Чунингдек, таъсис ҳужжатларини текширишда корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини эътиборга олиш зарур. Масалан, акциядорлик жамиятининг таъсис-чилари томонидан тасдиқланган уставда, устав капиталининг кўлами тўғ-рисидаги маълумотлар билан бирга жамият томонидан чиқариладиган акция-ларнинг тоифалари, уларнинг номинал қиймати ва миқдори, акциядорларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги шартлар ҳар хил бўлиши лозим. Акциядорлик жамиятининг барча акциялари бир акциядор томонидан сотиб олинганда, акциядорлик жамиятини бир киши ташкил этган ҳисобланади ёки бир акциядордан иборат бўлади. Бу ҳолдаги маълумотлар акциядорлик жамияти уставда қайд қилинган, рўйхатга олинган ва ҳамма танишиши учун эълон қилинган бўлиши керак.

Иштирокчилар таркибини таҳлил қилишда, акциядорлик жамияти ва масъулияти чекланган жамият ягона иштирокчиси сифатида, битта шахсдан иборат ҳўжалик юритувчи субъект бўла олмаслигига эътибор бериши керак.

Акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятларда ҳам юридик шахслар, ҳам жисмоний шахслар таъсисчи сифатида иштирок этишлари мумкин.

Қўшма корхона устав капиталига ўзбекистонлик иштирокчи томонидан қўшиладиган ҳисса хорижий иштирокчилар билан келишувга кўра миллий валютада қандай баҳоланса, келишилган баҳолар бўйича чет эл валютасида ҳам жаҳон бозоридаги баҳони ҳисобга олган ҳолда шундай баҳоланади.

Хорижий иштирокчининг ҳиссаси ҳам шу тартибда қўшма корхонани ташкил этиш ҳақидаги шартнома имзоланган кундаги ёки унинг иштирокчилари келишган бошқа санага амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг расмий валюта курси бўйича сўмга ҳисоблаб ўтказиш йўли билан баҳоланади.

Жаҳон бозори баҳоси бўлмаганда қўшилаётган мулклар қиймати иштирокчиларнинг келишувига мувофиқ аниқланади.

Таъсис ҳужжатларини текширишда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар бир ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритувчи субъект учун турли масъулиятлар белгиланишини инобатга олиш зарур.

Мисол: Хўжалик юритувчи субъектлар учун қонунчиликда белгиланган масъулиятлари қуйидаги жадвалда таърифланган:

4-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли	Қонун ва унда белгиланган масъулиятлар
Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари)	Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) Ўз. Р. қонуни «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида» Қ/х кооперативи (ш/х) фаолиятининг асосий тури қишлоқ хўжалик маҳсулотли этиштиришдир. Қ/х кооперативи (ш/х) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йетиштириш билан бир қаторда кооперативнинг ўз ҳудудида ҳам, шунингдек, ундан ташқари ҳам қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари, ишлаб чиқариш-техника аҳамиятига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, таъмирлаш ва қурилиш ишлари, юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш, шунингдек, қонунларда таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли. (32-модда)
Фермер хўжаликлари	Ўз. Р. қонуни «Фермер хўжалиги тўғрисида» Фермер хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хўжалик аъзолари томонидан ўзаро келишув асосида амалга оширилади. (20-модда)
Дехқон хўжаликлари	Ўз. Р. қонуни «Дехқон хўжалиги тўғрисида» Дехқон хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хўжалик аъзолари томонидан

	ўзаро келишув асосида амалга оширилади. (16-модда)
Масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ)	ЎЗ. Р. қонуни «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлар тўғрисида» МЧЖ таъсисчиларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар ҳисобланади. Таъсисчилар МЧЖ устав капиталидаги улушларига мутаносиб мажбурият-лари бўйича жавобгардир. (16-модда)
Акциядорлик жамиятлари	Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни

4-жадвал. ХЮСларнинг қонунчиликда белгиланган масъулиятлари.

Корхона таъсисчиларининг сони ва уларнинг устав капиталидаги улушини текшириш чоғида аудитор таъсисчиларнинг энг кўп сони ва бир таъсисчининг устав капиталидаги энг кўп улуши ҳамда устав капиталининг энг кам кўлами тегишли юридик шахс учун қўлланиладиган Қонун билан аниқланади.

Ушбу талабларга риоя қилиниши корхонанинг фаолият кўрсатиши ҳамда кредиторларнинг манфаатларини ҳуқуқий ва иқтисодий ҳимоялаш шартларидан бири ҳисобланади. Корхона соф активлари мақдорининг унинг утав капиталидан ошиб кетиши (ёки тенг бўлиши) тўғрисидаги мажбурий талабларга риоя қилиниши шу мақсадлардагина текширилади.

Таъсисчилар улушларининг устав капиталига қўшилганлигини тасдиқлов-чи ҳужжатларга далолатномалар, накладнойлар, банк кўчирмалари, тўлов-топшириқномалари нусхалари, касса кириш ордерларининг квитанциялари ва бошқа дастлабки ҳужжатлар мисол бўла олади. Устав капиталига улуш сифатида қўшиладиган мулкларга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларга кўчмас мулк, ер участкалари, транспорт воситалари, интеллектуал мулк ва шунга ўхшашларга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳномалар киради.

Ташкилий ҳужжатлар:

- давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисида гувоҳнома.
- буйруқлар ва фармойишлар.
- акциядорлар ва таъсисчилар билан ёзишмалар.

– акцияларга обуна бўлиш натижалари тўғрисидаги, савдо натижалари тўғрисидаги, таъсисчилар ёки акциядорлар мажлисининг баённомалари.

– солиқ инспекцияда ҳисобга олинганлиги тўғрисида маълумотнома, давлат статистика органлари, тегишли суғурта ташкилотлари ва бошқа бюджетдан ташқари ташкилотларда рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳнома.

– амалдаги қонунчиликка мувофиқ лицензияланиши лозим бўлган фаолият турлари учун берилган лицензиялар.

– юритилаётган ҳисоб шаклидан қатъий назар очик турдаги акциядорлик жамиятлари акциядорлар реестрини ҳам текширувга тақдим қилади.

Устав капиталига таъсисчилар томонидан улушларни қўшиш муддатларига риоя қилинишини ва тўлиқлигини текширишда қуйидагиларга эътибор берилиши лозим:

– устав капиталининг тўлиқ шаклланганлиги.

– таъсисчилар ҳақиқатда қўшган улушларининг таъсис ҳужжатларида бел-гиланган шартларга мослиги.

– таъсисчилар томонидан устав капиталига улушларни қўшишда қонунчилик ва таъсис ҳужжатларида белгиланган муддатларга риоя қилиниши.

Устав капиталининг шаклланишини текшириш чоғида текширилаётган корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ҳам эътиборга олиш зарур. Чунончи, акциядорлик жамиятларида устав капитали акциядорлар томонидан сотиб олинadиган, жамият акцияларининг номинал қийматидан, масъулияти чекланган жамиятларда эса унинг иштирокчилари томонидан қўшиладиган улушлар қийматидан ташкил топади. Қишоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари)да пай жамғармаси – ширкат хўжалиги аъзоларининг пай бадалларидан, фермер ва деҳқон хўжаликларида эса ўзига қарашли уй-жойлар, хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва дарахтзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллари, паррандалар, қишлоқ хўжалик техни-каси, асбоб-ускуна ва ашё-анжомлари, транспорт воситалари, пул маблағ-лари, интеллектуал мулк объектлари, шунингдек, бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

Давлат корхоналарида эса давлат мулки ҳисобланган устав фонди шакллантирилади.

Аудитор текширув чоғида барча таъсисчилар қонунчиликка мувофиқ ўз улушларини устав капиталига ўз вақтида ва тўғри ҳамда тўлиқ қўшганликларини аниқлаши керак.

Масалан, масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) устав капиталига жамиятни рўйхатга олиш пайтида ҳар бир иштирокчи камида 30 % улушини қўшган бўлиши керак.

Корхона устав капиталига таъсисчилар томонидан улушлар қўшилмаган ёки тўлиқ қўшилмаган ҳолатларнинг аниқланиши, тегишли бошқарув органлари учун корхона таъсис этилмаган ва тугатилиши керак деб топилишига асос бўлади.

Таъкидлаш жоизки, таъсисчилар томонидан устав капиталига улуш сифатида қўшиладиган маблағлар Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҚҚС га тортилмайди. Чунингдек, корхоналарни тугатиш ёки қайта ташкил этиш чоғида пай (улуш) кўринишида натура ёки пул шаклида олинган маблағлар ҳам, уларнинг устав фондидан ҳамда юридик шахслар пай (улуши)дан ошиб кетмаган миқдорда, ҚҚС га тортилмайди.

Устав капиталига улушлар пул, қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар ёки мулкӣ ҳуқуқлар ҳамда пулда баҳоланадиган бошқа ҳуқуқлар шаклида қўшилиши мумкин. Шу боисдан аудитор таъсисчилар улушларини пулда баҳолашнинг тўғрилигини текшириши муҳимдир. Хўжалик жамияти таъсисчисининг улушини пулда баҳолаш жамият таъсисчилар ўртасидаги келишувга мувофиқ амалга оширилади. Қонунда кўзда тутилган айрим ҳолларда эса мустақил эксперт томонидан баҳоланиши керак.

Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ аудитор Устав, қўшилган ва резерв капиталларини шаклланиши ва ҳаракати ҳамда резервларнинг ташкил этилиши ва улардан фойдаланиш бўйича аудиторлик текширувининг ўтказиш режасини тузиши ва аудит

дастурини тайёрлаши лозим. 5-жадвалда аудитнинг намунавий режаси келтирилган.

5-жадвал

Таъсис ҳужжатлари ва таъсисчилар билан ҳисоб-китоб бўйича аудитнинг умумий режаси

Текширилаётган корхона _____

Аудит даври _____

Киши-соат миқдори _____

Аудиторлик гуруҳининг раҳбари _____

Аудиторлик гуруҳининг таркиби _____

Режалаштирилган аудиторлик таваккалчилиги _____

Режалиштирилган аудиторлик аҳамиятлилиги _____

тр	Режалаштирилган ишлар тури	Ўтказиш даври	Ижрочи	Изоҳ
	2	3	4	5
	Таъсис ҳужжатларининг аудити			Иқтисодий субъектнинг умумий жамланган аудит ўтказиш режасига мувофиқ
	Низом капитали шаклланишининг аудити			
	Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар аудити			
	Дивидендлар бўйича солиқларни ҳисоблаш, ушлаб қолиш ва ўтказиш аудити			

Аудиторлик ташкилотининг раҳбари _____

Аудиторлик гуруҳи раҳбари _____

3.2. Хусусий капитали шаклланишини аудиторлик текширувидан ўтказиш.

Таъсисчилар (таъсис мажлиси) томонидан тасдиқланган ва амалдаги қонунчиликка асосан рўйхатга олинган Низом қорхонанинг таъсис ҳужжати ҳисобланади. Давлат тассаруфида бўлган қорхона акциядорлик жамиятига айлантирилганда таъсис ҳужжатлари бўлиб, шунингдек, давлат мол-мулкига бошқариш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли идора томонидан тасдиқланган эмиссия проспекти ҳам ҳисобланади. Таъсис ҳужжатларининг текшируви улар амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги ва уларга ўзгаришлар қонуний киритилганлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Аудит ўтказиш вақтида аудитор ушбу иқтисодий субъект амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқий мақоми ва фаолият кўрсатиш ҳуқуқини текшириши лозим. Бунинг учун қуйидаги асосий ҳужжатлардан фойдаланилади: миқдори Низоми ва қорхонанинг таъсис шартномаси.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига мувофиқ юридик шахс ўз фаолиятини Низом ёки таъсис шартномаси ва Низом, ёки фақат таъсис шартномасига асосан амалга оширади. Юридик шахснинг таъсис шартномаси тузилади, Низом эса, таъсисчилар томонидан тасдиқланади. Низомда юридик шахснинг функциялари, унинг капитали, тизими, бошқарув тизимининг ташкил этиш тартиби ва ваколатлари, қайта ташкил этиш ёки тугатиш тартиблари белгиланади ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва назорат тамойиллари ифодаланади. Таъсис ҳужжатларига ўзгаришлар киритилиши мумкин. Ушбу ўзгаришлар давлат рўйхатидан ўтгандан кейин қўлга киради.

Аудит ўтказиш даврида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, шу жумладан Низом ва таъсис ҳужжатларининг янги таҳрири (агар уларга ўзгаришлар киритилган бўлса) мавжудлиги текширилиши лозим.

Низомда захира ва бошқа жамғармаларни ташкил этиш ҳамда фойдани тақсимлаш тартиби, қайта ташкил этиш, тугатиш, мол-мулкларни тақсимлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартиби ва бошқалар кўзда тутилганлиги аниқланади.

Аудит ўтказиш вақтида, корхона қачон ва қаерда рўйхатга олинганлиги, ушбу корхонанинг ҳисоб-китоб ва бошқа счетлари қайси банкда очилганлиги, таъсисчилар ким ва Низом капиталида уларнинг улуши, ҳар бир таъсисчининг Низом капиталидаги улуши ва умуман Низом капитали қонунчиликка оид ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги аниқланади.

Текшириш жараёнида, шунингдек, кичик тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган субъектларининг патентлари, акциядорлик жамиятлари учун эмиссия проспекти ва акциядорлар реестри, директорлар Кенгаши, акциядорларнинг йиллик мажлиси ва таъсисчиларнинг жорий қарорлари баённомаларидан кўчирмалар, ижро дирекциясининг буйруқлари ва фармойишлари, таъсисчилар ва акциядорлар билан ёзишувлар, хўжалик юритувчи субъектнинг ички низомлари ва тартибга солиш каби ҳужжатлари ўрганиб чиқилади.

Текширув вақтида корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, тизими ва унинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига мувофиқлиги, хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий бошқариш тизими ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишда барча босқичлардаги раҳбарларнинг ваколатлари, иқтисодий субъект Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижда мустақил балансга эга бўлган филиаллар ва бошқа бўлинмалар ташкил қилиш ҳуқуқига эга эканлиги аниқланади.

Корхона фаолиятнинг қайси бир турлари билан шуғулланиши ва унинг рўйхатга олинган Низомида кўзда тутилган фаолиятлардан четга чиқишлар мавжудлиги ўрганиб чиқилади. Фаолиятнинг айрим турлари давлат рўйхатидан ўтишни ёки лицензиялашни талаб қилишини унутмаслик лозим. Шу боис, аудиторлар текширув вақтида корхона айрим

фаолият турлари, масалан: савдо-сотик, қимматли қогозлар билан операциялар, банк фаолияти, қурилиш-монтаж ишлари ва бошқаларни амалга ошириш учун лицензияга эга эканлигини аниқлайдилар.

Агар ушбу фаолиятни амалга ошириш учун корхонанинг лицензия (рухсатнома)си бўлмаса, ушбу фаолият бўйича амалга оширилган операциялар қонунсиз деб ҳисобланади.

Таъсис ҳужжатларини текширувида, корхона Низом (тўланган) капиталга қандай шаклланишини, амалдаги қонунчиликка мувофиқ барча таъсисчилар улушларини ўз вақтида Низом капиталига киритаётганликларини (корхона рўйхатдан ўтказилгунча улушнинг 30 фоизи, қолган 70 фоизи эса бир йил давомида киритилиши, акциядорлик жамиятлари учун эса - 75 фоизи, йил давомида - 25 фоизи киритилиши) аниқлаши лозим.

Аудитор таъсисчилар таркиби ва Устав капиталига фақат хусусий маблағларни қўйиш мумкинлигини назарда тутиб, улар томонидан берилган бадаллар манбаларини ўрганиб чиқади. Низом жамғармасига бюджет манбаларини, кредитларни, сиёсий ва махсуслаштирилган жамоат ташкилотлари маблағларини йўналтириш тақиқланади. Аудитор қатнашчилар таркибида ноликвид балансга эга бўлган ёки қарз тўлашга қурби етмайдиган (инқирозга учраган) деб эълон қилинган корхоналар мавжудлигини аниқлайди. Корхонанинг ташкилий тизими ва унинг Фуқаролик Кодексига мувофиқлигини текшириш лозим.

Устав капитали шаклланишининг текшируви вақтида Устав капитали ўз вақтида, яъни унинг белгиланган муддатларда шаклланганлиги, эълон қилинган қарз бадалли тўлиқ киритилганлиги ва шаклланиш манбалари (таъсисчиларнинг ёки иштирокчиларнинг хусусий маблағлари ҳисобига, учинчи шахслар бадаллари ҳисобига) аниқланади.

Устав капитали - бу ҳўжалик юритувчи субъектнинг Низомида рўйхатга олинган капиталнинг энг кам миқдоридир.

Бошқача қилиб айтганда, Устав капитали (жамғармаси) бу корхона ташкил этилишида, унинг таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорда фаолиятини амалга ошириш учун иштирокчилар (мулк эгалари) томонидан мол-мулкка киритилган бадалларининг йиғиндиси ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида шароитида Устав капитали, бир томондан, корхона мол-мулки қийматини, иккинчи томондан эса - таъсисчилар, инвесторлар олдида корхона мажбуриятлари бўйича суммаларни ифода этади. Устав капитали бўйича молиявий-хўжалик операцияларни акс этиш тартиби бўйича ўзгаришлар республикада ҳосил бўлган замонавий бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан. Устав капиталининг шаклланиши амалдаги қонунчилик ва таъсис ҳужжатлари билан тартибга солинади. Устав капиталининг шаклланиши хўжалик субъектининг мулкга эгалик қилиш шаклидан келиб чиққан ҳолда: акциядорлик жамиятларида - акциядорлар акцияларга ёзилганлиги ҳисобига, масъулияти чекланган жамиятларда - ҳар бир иштирокчининг берган бадали ҳисобига, давлат корхоналарида - мазкур иқтисодий субъектга бириктирилган давлат мулки ҳисобига амалга оширилади.

Устав капиталининг текширувида аудитор унинг суммаси ҳақиқий эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак. У балансда ва 5-сонли "Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот" да акс этилади. "Устав капитали ҳисоби бўйича счетлар"га оид қолдиқ корхонанинг таъсис ҳужжатларида акс этилган Устав капитали миқдорида мувофиқ бўлиши лозим.

Аудитор хўжалик субъекти давлат рўйхатида олингандан кейин ушбу корхонанинг бухгалтериясида Устав капитали таъсисчиларнинг Устав капиталига бадалларини киритиш бўйича қарзларини ҳисобга олиш счетларининг дебетлаши ва Устав капиталини ҳисобга олиш бўйича счетларининг кредитлашини ҳисобга олишлари кераклигини назарда тутиши лозим.

Агар, текшириш вақтида ушбу счетлар бўйича балансдаги қолдиқлар тенг бўлса, бу таъсисчилар томонидан Устав капиталига ўз бадалларини киритилмаганлигини ифодалайди. Бундай корхоналар таъсис этилмаган (ташқил топмаган) деб ҳисобланади ва тугатилиши лозим.

Корхонанинг Устав капиталига бадал сифатида бинолар, иншоотлар, жиҳозлар ва бошқа моддий бойликлар, номоддий активлар, қўшма корхона иштирокчилари давлатларининг пул маблағлари кўринишидаги валюталар ва эркин конвертация қилинадиган валюта сифатида киритилиши мумкин.

Аудитор таъсисчилар томонидан киритилган бадалларни дастлабки ҳужжатлар асосида ва асосий воситалар ва пул маблағлари, номоддий активлар, ишлаб чиқариш заҳиралари ва бошқаларни ҳисобга олиш счетларининг дебети билан корреспондентланган Устав капитали бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи счетнинг кредитидаги ёзувлари асосида текширади.

Масалан, кирим касса ордерлари, асословчи ҳужжатлар илова қилинган банкнинг ҳисоб-китоб ва валюта счетларидан кўчирмалар асосида таъсисчилар бадали ҳисоб-китоб ва валюта ҳисобвароқларига тўлиқ ва ўз вақтида кирим қилинганлиги текширилади.

Таъсис ҳужжатларида қайд этилган ва Устав капиталига бадал сифатида кирим қилинган моддий бойликлар, номоддий активлар таъсисчилар келишуви бўйича аниқланади ва баҳоланади. Валюталар ва валюта бойликлари жамият рўйхатдан ўтказилган кунига амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг курси бўйича баҳоланади. Устав капиталига бадал сифатида киритилган қимматли қогозлар ва бошқа молиявий активлар таъсисчиларнинг келишувига асосан баҳоланади.

Устав капиталига ёки акцияларни тўлаш учун ҳақиқатда киритилган моддий бойликлар, номоддий активлар жамият активига ўтказиш даврида амалда бўлган бозор нархлари билан баҳоланади.

Бозор нархларига эга бўлмаган номоддий активлар таъсис ҳужжатларида қайд этилган ёки томонлар келишуви билан белгиланган нархлар билан баҳоланади. Ушбу объектларни баҳолаш, одатда, юқори малакали мутахассисларга топширилади.

Устав капиталига бадал сифатида амалда киритилган валюта ва валюта бойликлари, жамиятга кирим қилиниши вақтида амалда бўлган расмий курс бўйича баҳоланади. қимматли қогозлар охириги биржа курси бўйича баҳоланади.

Молиявий активлар ва биржада котировкага эга бўлмаган қимматли қогозлар томонлар келишувига асосан баҳоланади. Мураккаб шароитларда ҳамда амалдаги қонунчилик талаб қилганда, Устав капиталига улуш сифатида киритилган активларнинг тўғри баҳоланиши мустақил аудитор ҳулосаси билан тасдиқланади.

Улуш сифатида Устав капиталига амалда киритилган моддий ва валюта бойликлари, номоддий ва молиявий активларнинг баҳоланиши уларни таъсис ҳужжатлари ва дастлабки келишувлардаги баҳоланишидан фарқ қилиши мумкин.

Ҳар бир қўйилма, Устав капиталини шакллантириш тартибига изох қилинган ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим. Бундан ташқари, Устав капиталига бадал сифатида киритилаётган маблағларнинг алоҳида турлари таъсисчилар - жисмоний шахсларнинг шахсий мулк эгалигини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлиши лозим. Буларга, масалан, хусусийлаштирилган хонадон, маънавий молк-мулк, транспорт воситалари ва бошқалар киради. Шундай қилиб, аудитор таъсисчилар киритган бадалларга оид уларнинг ҳар бири бўйича юритиладиган варақалар ёки қайдномаларда акс этирилган бадаллар бўйича қарзлар, тўлаш муддатлари, киритилган активлар суммаси ва қарзларни қопланиши бўйича таҳлилий ҳисобни текширади.

Аудитор нисбатан янги ҳисобланган маблағлар - таъсисчилар томонидан киритилган номоддий активлар рўйхатдан ўтказилиши

техникавий томонларига алоҳида эътиборни қаратиши лозим. Булар янгиликларни яратиш ва маънавий мол-мулкнинг бошқа объектлари, ер ва табиий заҳиралардан фойдаланиш ҳуқуқлари, фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензиялар, брокер ўрни, савдо белгилари, русўмлар ва бошқалар билан фойдаланиш учун мулкӣ ҳуқуқлардир.

Ҳисобда номоддий активлар, керак бўлса экспертлар иштирокида белгиланган шартномавий нархлар билан баҳоланади. Айрим ҳолларда, барча таъсисчилар билан келишилмаган ҳолда, айрим жисмоний шахсларга тегишли бўлган бойликлар қисми, амалдаги нархлар бўйича эмас, гарчи улар бундай баҳога лойиқ бўлмаса ҳам, кўп маротаба қимматроқ баҳолайдилар.

Шу боис, маънавий бойлик қандай баҳоланганлигини аниқлаш керак, масалан, агар у илмий изланиш бўлса эскириб қолмаганмикин? Ушбу активлар кўп ҳолатларда моддий таркибга эга бўлмаганлиги муносабати билан, корхонага номоддий активларнинг у ёки бу объекти амалда келиб тушиши юзасидан назорат қилиш масаласи вужудга келади.

Шунинг учун маънавий мулк қандай баҳоланганлигини аниқлаш лозим: агар бу илмий ишланмалар бўлса улар эскирмаганмикин? Активларнинг ушбу тури кўп ҳолларда моддий таркибга эга бўлмаганлиги сабабли, амалиётда номоддий активларнинг у ёки бу объекти корхонага ҳақиқатда келиб тушганлиги юзасидан назорат қилиш масаласи юзага келади.

Юқорида қайд этилган воситаларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларига эга бўлишлигига қарамасдан, номоддий активларнинг келиб тушиши тегишли ҳужжатлар шаклида амалга оширилиши лозим. Бу қандайдир маълумотни, саноат суръатини, таркибни ва бошқаларни ёритувчи ҳужжатлар бўлиши мумкин. Бунда, албатта, корхонага номоддий активларни келиб тушишини ва эскириш муддатларини акс этувчи ҳужжат расмийлаштирилиши лозим.

Иштирокчиларнинг Устав капиталига кириш қилинган бадаллари ҳисобда ва балансда улар амалда келиб тушиши бўйича акс этилади.

Корхонанинг Устав капиталига бадалнинг амалда келиб тушиш вақти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

пул маблағлари учун - пуллар ҳисоб-китоб (валюта) счётига кирим қилинган санаси;

- асосий воситалар, моддий ва номоддий активлар учун - асосий воситалар, моддий ва номоддий активларни қабул қилиш-топшириш далолатномалар ва ушбу объектлар келиб тушганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар расмийлаштирилган санаси.

Корхона Устав капиталига таъсисчилар томонидан киритилган бадалларнинг тўлиқлиги унинг таъсис ҳужжатларида қайд этилган ва Устав капитали ҳисобининг счётидаги акс этилган миқдорини Устав капитали бадаллар бўйича таъсисчилар қарзи счётидаги миқдори билан солиштириш йўли билан аниқланади.

Устав капиталини текшириш вақтида бухгалтерия ҳисобида тўғри расмийлаштирилганлиги ва 13-сонли журнал-ордерда Устав капитали ҳисоби бўйича ҳисоби счётида қонуний ва тўғри акс этилганлиги, улар амалдаги қонунчиликка мувофиқ эканлиги аниқланиши лозим.

Таъсисчилар сони ва уларнинг корхона Устав капиталидаги улушларини текшириш вақтида, аудитор тегишли юридик шахс тури учун таъсисчиларнинг энг кўп сони ва ҳар бир таъсисчининг Устав капиталига киритадиган энг кўп улуши ҳамда Устав капиталининг энг кам миқдори амалдаги қонунчилик билан белгиланишини унутмаслиги керак.

Устав капитали таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдордан кўп бўлмаслиги кераклигини қайд этиш лозим. Шу боис, аудит ўтказишнинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб Устав капитали миқдори барқарорлик тамойилига, таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорга мувофиқлигини текшириш ҳисобланади. Лекин, амалдаги қонунчилик ва таъсис ҳужжатларида қайд этилган ҳолатларда, унинг ошириш ёки камайтириш мумкин. Хусусан, корхонага янги иштирокчиларни қабул қилишда, улар томонидан қўшимча бадаллар киритишда ёки корхона

фаолияти натижасида олинган фойданинг бир қисми капитал миқдорини оширишга йўналтирилганда бундай ҳолатлар вужудга келиши мумкин.

Устав капиталининг тақсимланмаган фойда ҳисобига кўпайиши тақсимланмаган фойда ҳисоби счетининг дебети ва Устав капитали ҳисоби счетларининг кредити бўйича акс этилади.

Устав капиталининг камайиши Устав капитали ҳисоби ҳисобварақларининг дебети ва чиқиб кетаётган таъсисчиларнинг бадали бўйича счетининг кредити бўйича акс этилади.

Акциядорлик жамиятларида Устав капитали янги акцияларни чиқариш (эмиссия) ёки уларнинг номинал қийматини ошириш ҳисобига кўпайиши мумкин, камайиши эса - акцияларни ушлаб турувчилардан қисман сотиб олиш ва акцияларни номинал қиймати камайиши ёки уларни умумий миқдори қисқариши ҳисобига вужудга келади. Шу боис, текширишни амалга ошираётганда, аудитор корхонанинг Устав капиталида ва таъсис ҳужжатларида содир этилган ўзгаришлар асосли эканлигини текшириши лозим.

Резерв капитали, агар Уставда кўзда тутилган бўлса, соф фойдани резерв қилиш йўли билан хусусий капитални тўлдириб бориш учун ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорлик жамиятлари жамият Низоми билан белгиланган, лекин Устав капиталидан 15% кам бўлмаган миқдорда резерв капитали ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Резерв капитали ҳисоби счётида фойда ҳисобидан резервдан ташқари, мол-мулклар қийматини қайтадан баҳолашдан ҳосил бўлган инфляция захираси ҳамда пул маблағлари ва бошқа келиб тушишлардан бўлак, акциядорлик жамияти мол-мулкни кўпайтирувчи бепул олинган мол-мулк қиймати ҳам акс этилади.

Аудитор резерв капитали ҳисоби бўйича бухгалтерия ўтказмалари тўғри эканлигини текшириши лозим.

Устав капиталига бадал сифатида ҳақиқатда киритилган моддий бойликлар, номоддий ва молиявий активларни баҳолаш уларни таъсис ҳужжатларида ва дастлабки келишувларда баҳолашдан фарқ қилиши мумкин.

Аудитор, шунингдек, резерв капитали тўғри ташкил этилганлиги ва тўлдирилганлиги, яъни: фойдадан ажратмалар ҳисобига ташкил этилган резерв капитали Устав капиталининг 15%дан кам эмаслиги, мол-мулкни (асосий воситаларни) қайта баҳолашдан ҳосил бўлган барча инфляция резервлари резерв капитали кўпайишига ўтказилганлиги, бепул келиб тушган мол-мулкнинг барчаси резерв капиталнинг кўпайишига ўтказилганлигини текширади. Текшириш манбаси бўлиб корхона Устави, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қайта баҳолаш тўғрисидаги қарори, қайта баҳолаш бўйича ҳисоб-китоблар, мол-мулкни бепул олиш тўғрисида шартномалар, қабул қилиш-топшириш далолатномалари, билдиришномалар (авизо) ва бошқалар ҳисобланади.

Резерв капитали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, корхона фаолияти тугатилганда иш ҳақи ва солиқларни бюджетга тўлаш, инфляция бўйича зарарларни қоплаш, акциядорлик жамияти Ҳайъати қарорига мувофиқ Устав капиталини тўлдириш, қайта баҳолаш суммаларини қоплаш ва акциядорлик жамиятининг бошқа йўналишлари учун фойдаланилади. Очиқ турдаги акциядорлик жамиятларида фойда йўқлиги ёки у етарли эмаслигида резерв капитали имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаш учун йўлланиши мумкин.

Аудитор резерв капитали маблағлари корхона ходимларига моддий ёрдам кўрсатишга, меҳнатга ҳақ тўлашга ёки мукофотлар тўлашга ишлатилганлиги ҳолатлари билан тўқнаш келиши мумкин. Шу боис, аудитор резерв капитали ишлатилишини резерв капитали счегидаги ёзувларни таҳлил қилиш йўли орқали таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби ва тақсимланмаган фойда счеги билан корреспондентланишини синчковлик билан текшириши лозим.

3.3. Акцияларни жойлаштириш, акциядорларга дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ муомалалар аудити.

Жамият томонидан акцияларнинг дастлабки чиқарилишини жойлаштириш муддати жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим.

Жамият томонидан жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

Жамиятнинг жойлаштирилмаган акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган муддат ўтганидан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши керак.

Қонун ҳужжатларининг қимматли қоғозларни жойлаштириш ва уларнинг муомаласига тааллуқли қисми талабларини бузган ҳолда тузилган жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштиришга ҳамда уларнинг муомаласига доир битимлар суднинг қарорига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Битимнинг предмета бўлган жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари уларни жойлаштириш муддати ўтганидан кейин битим ҳақиқий эмас деб топилган бўлса бекор қилиниши керак, агар ушбу битим қимматли қоғозлар жойлаштирилаётганда тузилган бўлса.

Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини инсофли эгалловчи жамият акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш ҳамда уларнинг муомаласи бўйича битимлар суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши натижасида етказилган зарарнинг ўрнини коплашни айбдор шахслардан талаб қилишга ҳақли.

Давлат ташкилотларини акциядорлик жамиятлари этиб ўзгартириш жараёнида эмиссия қилинган акциялар янги мулкдорларга белгиланган

тартибда реализация қилинадиган пайтга қадар дастлабки жойлаштирилган давлат активларидир.

Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш усуллари (очик ёки ёпик обуна) жамият уставида белгилаб қўйилади, жамият уставида бу хусусда кўрсатмалар мавжуд бўлмаса, акциядорлар умумий йигилишининг қарори билан белгиланади. Жамиятнинг уставида ёки акциядорлар умумий йигилишининг қарорида жамиятнинг акцияларини ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларини жойлаштириш усули тўғрисида кўрсатмалар мавжуд бўлмаса, жойлаштириш фақат очик обуна воситасида амалга оширилиши мумкин.

Акцияларнинг очик обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.

Қонун ҳужжатларида акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларнинг очик обуна воситасида жамият томонидан жойлаштирилиши шарт бўлган ҳоллар белгилаб қўйилиши мумкин.

Акцияларнинг ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши мазкур чиқарилишни тўхтатиб туришга олиб келган қоидабўз арликлар эмитент томонидан бартараф этилмаган, шунингдек чиқариш тўғрисидаги қарор да белгиланган муддатда мазкур чиқарилишдаги акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларнинг олтмиш фоиздан кам қисми жойлаштирилган тақдирда амалга ошмаган деб эътироф этилади.

Акциялар ҳамда бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштирилган тақдирда уларнинг чиқарилиши, агар жойлаштириш ҳажми мазкур чиқарилишдаги акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар умумий миқдорининг камида ўттиз фоизини ташкил этса, амалга ошган деб эътироф этилади.

Жамиятни таъсис этишда унинг акциялари ҳақини тўлаш жамият муассислари томонидан акцияларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи жамият акциядорларининг умумий йигилиши ёки кузатув кенгаши томонидан, агар жамият уставига ёки акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига мувофиқ кузатув кенгашига бундай ваколат берилган бўлса, қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

Жамият уставида жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошладиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлиши назарда тутилиши мумкин. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йигилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўп чилик овози билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йигилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йули билан жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

Агар муомалада колган акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг (устав капиталининг) Акционерлик жамияти тўғрисидаги Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, жамият жойлаштирилган акцияларининг умумий сонини камайтириш мақсадида уларнинг бир қисмини олиш йули билан жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Акциядорлар умумий йигилишининг акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида уларни олиш йули билан жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қабул қилинган қарори асосида жамият томонидан олинган акциялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

Қайси муайян турдаги акцияларни олиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, ўша акцияларнинг эгаси бўлган ҳар бир акциядор мазкур акцияларни сотишга ҳақли, жамият эса уларни олиши шарт. Агар жамият томонидан олинishi тўғрисида акциядорларнинг аризалари тушган акцияларнинг умумий сони ушбу моддада белгиланган чекловлар ҳисобга олинган ҳолда жамият олиши мумкин бўлган акцияларнинг сонидан ортиқ бўлса, акциядорлардан аризада кўрсатилган талабларга мутаносиб равишда акциялар олинади.

Акциялар олинадиган муддат бошланишига кечи билан ўн кун қолганда жамият муайян турдаги акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларни жамият томонидан акциялар олиниши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали хабардор этиши шарт. Билдиришда ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатиб утилган маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли акцияларни олиш жамият уставида назарда тутилган нарх бўйича амалга оширилади.

Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди.

Таъсисчилар (акциядорлар) билан ҳисоб-китоблар тартибини аудитор Устав капиталига улушлар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари счетлари ҳамда таъсисчиларга тўланадиган дивидендлар бўйича қарзлари счетлари бўйича текширади.

Аудитор таҳлилий ҳисобни ва унга асос бўлган таъсис ҳужжатлари, асосий воситаларни ва номоддий активларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари, тўлов топшириқномалари, крим касса ордерлари ва бошқаларни текшириши лозим. Давлат мулки иштирокида ташкил топган корхоналарда жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида таъсисчилар томонидан сотиб олинган акциялар учун тўланган мол-мулк таъсисчиларни мулк эгаллиги ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар текширилиши керак.

Корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда, одатда, икки хил мақсадлар: резерв капиталини ташкил этиш ва дивидендларни тўлаш учун ишлатилади.

Дивиденд - акциядорлар ўртасида акциялар сонига мутаносиб ҳолда тақсимланадиган акциядорлик жамияти фойдасининг бир

қисмидир. Дивиденд акциянинг номинал қийматидан фоиз ҳисобида ёки бир акцияга сўм ҳисобида эълон қилинади.²¹

Дивиденд ҳар чоракда, ярим йилда бир маротаба ёки бир йилда бир маротаба тўланиши мумкин. Йил давомида тўланадиган дивиденд оралик ҳисобланади. Дивиденднинг якуний миқдори ҳисобот йилида ҳўжалик фаолиятининг натижалари билан аниқланади. Дивиденд акциядорлар мажлиси томонидан акциядорлик жамияти директорлар Кенгаши таклифига биноан эълон қилинади ва у директорлар томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар миқдори улар чиқарилган вақтда белгиланади. У ҳал қилувчи овоз билан имтиёзли акциялар эгалари иштирок этган акциядорлар мажлиси томонидан ўзгартирилиши мумкин. Устав капитали иштирокчилар улуши сифатида тақсимланган жамиятларда, дивиденд миқдори ҳар бир иштирокчи улушига мутаносиб равишда белгиланади.

Акциядорлик жамиятининг ўз акциядорларига дивиденд тўлаш бўйича мажбуриятлари таъсисчиларга қарзлар ҳисоби ҳисобида акс этилади. Аудитор акциядорлар реестри маълумотлари билан ва ушбу ҳисоб бўйича ҳисоб маълумотларини солиштириб акциялар ўз вақтида тўланганлиги ва улар ҳаракати бўйича операциялар қонуний амалга оширилганлигини текширади. Очiq турдаги акциядорлик жамиятларида бошқа акциядорларнинг руҳсатсиз акциялар қўлдан қўлга ўтиши мумкин, лекин бу тўғрисида, албатта, акциядорлар реестрларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим. Ёпиқ турдаги жамиятнинг акциялари бошқа кўпчилик акциядорларнинг руҳсати билан, агар бошқа шартлар Уставда кўзда тутилмаган бўлса, қўлдан қўлга ўтказилиши мумкин.

Акциядорлар мажлиси қарорига, акциядорлик жамияти Уставида кўзда тутилган тартибга мувофиқ, алоҳида имтиёзли ва алоҳида оддий акциялар

²¹ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Давлат Мулк қўмитаси ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан 2002 йил 25 мартда 47, 10-1-48, 2002-33-сонли қарори билан қабул қилинган "Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат тасаруффидаги (давлат улуши) акциялар бўйича дивидендларни ҳисоблаш, тўлаш ва мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом".

бўйича дивидендлар миқдори эълон қилинади. Бухгалтерия ҳисобидаги акциядорларни ҳисобга олиш реестри маълумотлари бўйича тўлашга эълон қилинган дивидендлар ҳисобланади. Аудитор акциядорлар мажлиси баённомаси ва қарорини, бухгалтерияда ушлаб қолинган солиқлар акс этилган маълумотномасини текшириши лозим.

Дивиденд ҳисоблашдан олдин, кимга ва қанча сумма ҳисоблаш ва тўлаш кераклигини аниқлаш мақсадида, эгалик қилувчининг номи ёзилмаган акциялар эгаларини рўйхатга олиш эълон қилинади. Белгиланган муддатларда тўланмаган акциялар ва корхона томонидан сотиб олинган акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди ва тўланмайди.

Амалдаги қонунчилик билан рухсат этилган ва акциядорлик жамияти Устави билан кўзда тутилган ҳолатларда, агар фойда етарли бўлмаса, имтиёзли акциялар бўйича тўловлар резерв капитали ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ дивидендлар бўйича солиқларни ушлаб қолиш ва бюджетга тўлаш даромадларни тўлаш манбаси томонидан амалга оширилади. Корхона иштирокчилари фойдасига дивидендлар ҳисоблангандан кейин солиқлар ҳисобланади ва ушлаб қолинади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан олинadиган дивидендлар даромаддан 10 фоизли ставка бўйича солиққа тортилади.

Дивидендларни пул маблағлари билан тўлаш таъсисчиларга қарзлар ҳисоби четининг дебети ва пул маблағлари ҳисоби четининг кредити бўйича акс этилади. Дивидендлар бўйича тўловлар нақд пул билан ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилганда аудитор чиқим касса ордерлари ва тўлов топшириқномаларини текшириши керак. Шунингдек, варақаларда ёки қайдномаларда дивидендлар бўйича акциядорлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг таҳлилий ҳисоби ҳам текширилади.

Дивидендлар бўйича тўланмаган сумма қолдиқлари даъво қилиш муддати уч йилдан ошгандан кейин акциядорлик жамияти даромадига киритилади.

Дивидендлар келгусидаги эмиссия акциялари билан тўланганда (даромадларни реинвестициялаш) Устав капитали ҳисоби бўйича счетлар кредитланади.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан дивидендларни акциядорлик капиталига реинвестициялаш рағбатлантирилади. Бундай йўл билан жамиятнинг реинвестицияланган фойда суммаси солиққа тортишдан озод қилинади. Жамиятнинг акциядорлик капиталига янги киритилган дивидендлар суммаси ҳам солиққа тортилмайди. Дивидендлар бўйича тўловлар акциялар билан амалга оширилганда жамият мол-мулкнинг қиймати ўзгармайди, у дивиденд ҳисобидан пул тўлашга мажбур эмас. Фақат жамият капиталининг таркиби ўзгаради, лекин ҳар бир акциядорнинг эгалик қилиш ҳуқуқининг мутаносиблиги ўзгармаган ҳолда сақланиб қолади.

Жамият дивидендларни ўз хусусий акциялари билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиб у қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

- акциядорлар томонидан тақсимланмаган фойда счетидан Устав капитали счетига маблағларни кўчириш йўли билан тўловларни амалга оширганлиги ҳисобига айланма капитал улушини ошириш;

- жамият айланма капиталини сақлаб қолиш, чунки у дивидендлар бўйича тўловларга маблағ сарфламайди;

- агар жамиятга ижобий томони бўлса, ўз акциялари бўйича биржа курсини пасайтириш;

- дивиденд ва фойда бўйича солиққа тортишдан озод бўлиш.

Дивидендларни акциялар билан тўлашда берилган акцияларни номинал ёки бозор нархида ҳисобга олиш муаммоси вужудга келади. Мутахассисларнинг фикри бўйича, муомалада бўлган оддий акцияларнинг камроқ қисми, яъни 20 фоизигача бўлган миқдори акциядорларга

таксимланса, шу боис, уларни бозор нархларида баҳолаш лозим деб ҳисоблайдилар. Дивидендлар акцияларнинг катта пакети кўринишида тўланганда акцияларнинг номинал қийматидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Агар акциядорлар рози бўлса, дивидендлар пул ва натура кўринишида тўланиши мумкин. Дивидендларни корхона маҳсулоти билан тўлаш бухгалтерия ҳисобида таъсисчиларга қарзлар ҳисоби счетларининг дебети ва тайёр маҳсулотлар ёки товарлар ҳисоби счетларининг кредитида акс этилади.

Шундай қилиб, таъсисчилар билан ҳисоб-китобларни текшириш мақсадида, Устав капиталига таъсисчилар томонидан улушлар тўлиқ киритилганлигини ёки акциялар ўз вақтида тўланганлигини назорат қилиш жадвалини аудитор томонидан тўз иш мақсадга мувофиқдир.

Учинчи боб бўйича хулосалар.

1. Акционерлик жамиятлари фаолиятини халқаро аудит тизимлари ёрдамида ташқи аудитдан ўтказишдан мақсад мамлакатимизда фаолият юритаётган акционерлик жамиятлари ўртасида ҳаққоний рақобат мавжудлигига баҳо бериш ва уларнинг фаолияти акциядорлари ҳамда таъсисчилар эҳтиёжларини қондира олаётганлигини аниқлашдан иборатдир.

2. Акционерлик жамиятларида ички назоратини таъминловчи стандартлаштириш тизимини ташкил қилиш ва уни жорий қилиш орқали жамиятнинг ҳар бир амалларини меърий асоси юзага келади, ва барча амаллар ушбу меёрлар доирасида бажарилади

3. Акционерлик жамиятларида акционерларга қаратилган каттик талаблар, стандартлар ишлаб чиқиш ва акциядорларнинг мажбуриятлари даражасини ошириш каби ҳуқуқлар берилиши лозимдир. Шу орқалигина биз мамлакатимизда мустақил акционерлик жамиятлари мавқеини кўтаришимиз ва келгусида уларнинг ривожланишига замин яратишимиз мумкин.

ХУЛОСА

Тадқиқотда келтирилган маълумотларни умумлаштирган ҳолда шуни айтишим мумкинки, Ўзбекистон Республикасида Акционерлик жамиятлар фаолияти самарали фаолият юритиши учун тадқиқотда келтирилган хусусий капитални шакллантиришга қаратилган ишлар ва у билан боғлиқ муаммолар чуқур ўрганиб чиқилиши ва тез суратларда ечими топилиши лозимдир. Шунингдек, бу ишларни амалга оширишда эътиборли жihatлардан яна бири Ўзбекистонда қимматли қоғозлар билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи меёрий ҳуқуқий база шакллантирилиши лозимлигидадир.

Тадқиқот иши давомида Акционерлик жамиятлари фаолиятида ички аудит назоратини таъминлаш ва оптималлаштириш йўллари, ташқи сифат назоратининг аҳамияти ва бошқа мавжуд муаммоларни ечишга қаратилган таклифлар келтирилган.

Устав капитали хусусий капиталнинг муҳим ташкил қилувчи асосидир. Ушбу кўрсаткич хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати ва унинг миқдори ҳақида тассаввурга эга бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда аудиторнинг асосий мақсади устав капиталининг тўғри шаклланганлиги, ҳисоб ва ҳисобот маълумотларининг ишончлилигини тасдиқлашдан иборатдир.

Устав капитали корхонанинг молиявий барқарорлиги ва фаолиятини давом эттириш учун муҳимлиги учун у Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Акционерлик жамиятлар ва акционерларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” қонунларда устав капиталининг минимал миқдори, устав капитал ва соф активларнинг нисбати, дивиденд тўлашда устав капитали ва соф активларнинг нисбати, резерв капиталининг миқдори ва уларга ажратмалар ўз аксини топган. Шундан келиб чиққан ҳолда, корхоналарда устав капитал муҳим аҳамиятга эгадир.

Аудиторлик текширув давомида аудитор аудит таомилларини ўзи мустақил белгилайди. Бу таомиллар корхона устав капитали тўғрисида етарлича далилларни тўплаш ва уларнинг молиявий ҳисобот ва таъсис ҳужжатларига мувофиқлиги, ишончилигини тасдиқлаши лозим.

Аудиторлик текширув натижасида аудитор қўшилган ва резерв капитали, ҳамда таъсис этувчилар билан ҳисоб-китобларни ҳам текширади. Текширув натижаларини ишчи ҳужжатларида расмийлаштириши лозим.

“Аудитни режалаштириш” АФМСга мувофиқ аудиторлар текширув дастурини тузиш тавсия этилади.

қуйида аудиторнинг устав капиталини текшириш дастури келтирилган:

1. корхонанинг таъсис ҳужжатларини ва ҳуқуқий статусини текшириш
2. устав капиталини шакллантиришни текшириш
3. таъсисчилар билан ҳисоб-китобларни текшириш
4. қўшилган капитални текшириш
5. резерв капиталини текшириш

Устав капиталини текширишда аудитор томонидан дастўрни тест, саволнома кўринишида ташкил қилиши мумкин. Ушбу тест ва саволномалар минимал вақт сарф қилиб муҳим хатоликларни аниқлашда ёрдам беради.

қуйида устав капиталининг аудитида ишлатилиши мумкин бўлган саволнома келтирилган:

Аудит жараёнида аудитор таъсис ҳужжатларини текширади: устав капитали, таъсис шартномаси, корхонани давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, панент ва лицензия, банк билан банк хизматлари ва депозит хизматлари учун тузилган шартномаси асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича низом, акционерлик

жамиятлар учун эмиссия проспекти, акционерлар реестри, директорлар кенгаши баённомасидан кўчирмалар, акционерларнинг умумий йиғилиши мажлисидан кўчирма, ижроия директорининг буйруқлари, таъсис этувчилар ва акционерлар билан ёзишмалар, ички низом ва бошқа ҳужжатлар.

Ҳар бир иқтисодий субъектнинг хусусий капитал миқдори бухгалтерия маълумотлари асосида баҳоланди. Бунда жами баланс валютасидан акционерлик жамиятининг мажбуриятларининг айирмаси сифатида топилади. Хусусий капиталнинг миқдори рўйхатга олинган устав капиталининг миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Агар корхонанинг хусусий капитал миқдори рўйхатга олинган устав капиталининг миқдоридан кам бўлса у ҳолда корхона норенбател фаолияти натижасида таъсис этувчилар томонидан киритилган устав капиталининг бир қисмини йўқотган деб ҳисобланади.

Маълумки, акционерлик жамиятлари фаолияти рискка асосланган иқтисодий фаолият соҳаларидан бири ҳисобланади. Рисклар орасида тез учраб турувчи ва хатарлиси ночорлик ҳолати фаолият тўхтатилиши ва натижада мижозларни ишончини йўқотишдан тортиб акционерлик жамиятларининг нуфўз ини ҳамда акционерлар ишончини йўқотишга олиб келувчи хавфдир. Шунининг олган ҳолда акционерлик жамиятларида ички назорати тизимини жорий қилиш ва кузатув кенгаши тайинлаган назорати ҳолатига текширувлар амалга ошириш ушбу рискни минималлаштиришга ёрдам беради. Бунинг натижасида мамлакатимизда акционерлик жамиятлари фаолияти текшируви сифатли бўлиши ва акционерлик жамиятларининг соф рақобатбардошлиги таъминланади.

Сўнгги йиллардаги аудиторлик фаолияти билан боғлиқ статистик маълумотлар шунини кўрсатмоқдаки, бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодиётимизда бу соҳага бўлган эҳтиёж йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Шуни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида акционерлик жамиятлари фаолияти самарали фаолият юритиши учун улар томонидан қилинаётган ишлар сифати юқори даражада бўлиши талаб этилади. Шу асосда акционерлик жамиятлари фаолиятини ривожлантириш учун авваламбор ҳар бир акционерлик жамиятларида кузатув кенгаши томонидан иш сифатини назорат қилувчи тизим яратилиши лозимдир.

Фикримизча, акционерлик жамиятлари фаолиятини келгусида самарали фаолият

юритишини таъминлашда қуйидаги ишлар бажарилиши лозим: мустақил акциядорлар ҳаракатини таъминловчи меёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, ички стандартларини такомиллаштириш ва акциядорларга қўйиладиган бурч ва мажбуриятлар талабларини кучайтириш.

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтиши билан жуда кўп корхоналар акционерлик жамиятга айлантирилмоқда, шунинг учун ушбу жамиятларнинг устав капитални аудиторлик текшируви муҳим аҳамият касб этади ва жуда кўп муаммолар мавжуддир. Жамиятнинг устав капитал кредиторларнинг манфатини ҳимоя қиладиган жамиятнинг реал минимал мулки миқдорини акс эттириши лозим.

Бу ишларни келгусида амалга ошириш Ўзбекистонда акционерлик жамиятлари фаолиятини ривожлантиришга ва бевосита улар кўрсатаётган иш(хизматлар)ларни яхшилашга ёрдам беришга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: 2013.- 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май,(ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни. 1996 йил 30 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. –Т.:Ўзб., 2008 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Қонуни. Т.: 1998 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
6. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 20 мартда, Сенат томонидан 2013 йил 28 мартда маъқулланган. - Т.: 2013 йил . № ЎРҚ -352.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарорига 1-илова “Аудиторлик хулосаларини солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби тўғрисида” Низом.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-№907қарори, 02.07.2008 й.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг И.А. Каримов “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг

кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ПҚ- №1438 қарори, 26.11.2010 й..

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида” 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сон қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг ПҚ-615-сон “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида” қарори ,Тошкент ш.,2007 йил 4 апрель.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида» фармони. 1994 йил 26 январ.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 2005 йил 14 июнь.

15. Президент И.А.Каримов “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.” Халқ сўзи. 2002 йил 30 август.

16. Президент И.А. Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари . Тошкент 2009 йил март.

IV. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

17. Ўзбекистон Республикаси АВ №811 03.09.1999 й. рўйхатга олинган 5-сон "Аудитор иши сифатини назорат қилиш" аудит миллий стандарти.

18. Национальный стандарт аудита Республики Узбекистан (НСА) N 3 ”Планирование аудита” (Зарегистрирован МЮ 10.11.1999 г. N 837, утвержден МФ 14.07.1999 г. N 54).

19. “Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида”ги

Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (ЎзР АВ 23.12.2008 й. 977-4-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ 09.12.2008 й. 112-сон Буйруғи).

20. "Аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумот" шакли (ЎзР АВ 29.11.2007 й. 1744-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ 30.10.2007 й. 98-сон Буйруғига 1-илова).

21. Ўзбекистон Республикаси АВ №813 03.09.1999 й. рўйхатга олинган 9-сон "Муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги" аудит миллий стандарти.

22. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 2001 йил 14 февралдаги 20-сон буйруғи билан тасдиқланган 70-сон "Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси" аудит миллий стандарти.

23. "Аудиторлик ташкилотлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги" Низомни тасдиқлаш ҳақида (ЎзР АВ 03.09.2007 й. 1709-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ 01.08.2007 й. 73-сон Буйруғи).

24. "Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида"ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (ЎзР АВ 18.07.2007 й. 977-3-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ 15.06.2007 й. 65-сон Буйруғи).

25. "Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги" Низом (АВ 28.03.2007 й. 1668-сон билан рўйхатга олинган ДМБДҚ 12.02.2007 й. 01/12-18/03-сон ва МВ 20-сон)

V. Асосий адабиётлар

26. Аудит. Дарслик. 1-2 жилд. М.М. Тулаходжаева ва Ш.И. Илхомовларнинг умумий таҳрири остида.. Т.: Норма, 2008.

27. Аудит. Дарслик. М.М. Тулаходжаева, Ш.И. Илхомов, К.Б.Ахмаджонов ва бошқ. Т.: Иқтисодиёт, 2011.

28. Жўраев Н.Ю. Тулаходжаева М.М., Абдувоҳидов Ф., Илхомов Ш.И. Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит. Т.: ТДИУ, 2007.

29. ФСАД 4/2010 «Принципы осуществления внешнего контроля

качества работы аудиторских организаций, индивидуальных аудиторов и требования к организации указанного контроля»

30. Международные стандарты аудита и Кодекс этики профессиональных бухгалтеров 1999.- М.: МЦРСБУ, 2000.

31. МСА 220. Контроль качества аудиторской работы. МЦРСБУ, 2000. с. 56-80.

32. Адамас Р. Основы аудита: Пер. с англ./ под ред. Я.В. Соколова.- М.: Аудит, ЮНИТИ, 1995. 398 с.

33. Коул М.Х. Совершенствование качества внутреннего аудита в транснациональных корпорациях: (США) // Контроллинг.- 1991.- 2.-с. 113-116; Бух. учет. -1991.- №3.- С. 25-26.

34. Контроль за качеством аудита // Аудитор. Ведомости. 2003.с-22

35. "Кодекс профессиональной этики аудиторов" (одобрен Советом по аудиторской деятельности 22.03.2012, протокол N 4)

36. Леклерк Э., Кесслер Л. Внутренний контроль и повышение качества: (Франция)// Банки: Мировой опыт. 2002.- №4.- С. 34-35.

VI. Қўшимча адабиётлар

37. Международные стандарты учета и аудита: в 8-й вып.: Спб. с коммент. / Сост. И авт. Коммент. М.М. Раппопорт.- М.:, 1992.

38. Научно-методическая конференция «Аудит в соответствии с МСА»: Сб. метод, материалов. М.: Информ. Агентство, 2002.- 440 с.

39. Островская О.Л. Качество аудита его документальность // Бух. учет. - 1996. - №5. - С. 42-44.

40. Шеремет А.Д. и др. Аудит. М.,ИНФРА-М, 1995

41. Бычкова СМ., Итыгилова Е.Ю. Внутрифирменные стандарты аудита /Под ред. СМ. Бычковой. – М.: Бухгалтерский учет, 2006.

42. Бычкова СМ., Растамханова Л.Н. Риски в аудиторской деятельности / Под ред. СМ. Бычковой. – М.: Финансы и статистика, 2003.

43. Газарян А.В., Ширкина Е.И. Контроль качества при проведении аудита / Бухгалтерский учет. – 1998. – № 10.

44. Крикунов А.В. Аудиторская профессия: современный этап развития, Аудиторские ведомости, №, июль 2002.
45. Гутцайт Е.М. Внешний контроль за качеством аудита // Аудиторские ведомости. – № 4–6. – 2004.
46. Козлова Г.И. Организация контроля качества аудиторских услуг // Бухгалтерский учет. 1998. № 12.
47. Контроль качества аудита. Аудит госсобственности: новые условия и новые вопросы // Аудит сегодня. – 2003. – № 11.
48. Контроль качества аудита на практике, Аудит сегодня. 2003. № 10.
49. Долж Рой. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита. – М.: Финансы и статистика, ЮНИТИ, 1992.
50. Качество российского аудита и создание системы контроля качества: Проект ТАСИС // Аудит сегодня. – 2002. – № 5. – с. 4-15
51. Кизь В. Качество аудита и аудиторские стандарты // Аудитор. – 2001. – № 12. – С. 20-33.
52. Митин А.И. «Внешний контроль качества аудиторской проверки – проблемы, цели и перспективы развития», Аудиторские ведомости № 8, 2002 г.
53. Панкова СВ. Организация внешнего контроля качества аудиторских услуг в США. // Аудитор. – 2001. – № 10.
54. Панкова СВ. Применение системного подхода к обеспечению качества аудита // Аудитор. – 2002. – № 12.
55. “Handbook of international quality control, auditing, review, other assurance, and related services pronouncements” 2013 Edition.
56. “International Standard on Quality Control 1 «Quality Control for Firms That Perform Audits and Reviews of Historical Financial Information, and Other Assurance and Related Services Engagements».
57. INTRODUCTION TO AUDITING. Moscow, 1993, Presented by staff of The Chartered Association of Certified Accountants London ACCA.

58. «Future of Auditing: Audit Quality, Implementation and Innovation», Prof. Arnold Schilder, IAASB Chairman, Wellington, 17 May 2010.
59. «Widespread problems with audit quality require significant reform» United States Government Accountability Office Washington, DC 09.2009
60. «Системы контроля качества аудита в Российской Федерации» Нарышкина Л.Н.: Автореферат дисс.канд.экон.наук. Москва 2006 год.
61. Моложавенко.И.С. «Развитие системы контроля качества аудита» Автореферат дисс.канд.экон.наук. Москва
62. Соболева Н. Г. «Внутрифирменные стандарты как условие повышения качества аудита», Санкт-Петербург – 2008г.
63. Фабисович Н.В. «Институциональные аспекты обеспечения качества аудита» Автореферат дисс.канд.экон.наук. Москва- 2011г.
64. Тишин М.И. «Инструментальные методы повышения качества аудита» Автореферат дисс.канд.экон.наук.
65. Итыгилова Е.Ю. «Контроль качества аудита» Автореферат дисс.канд.экон.наук., Санкт-Петербург – 2006г.
66. Городилов М.А. «Концепция развития системы регулирования аудиторской деятельности» Автореферат, Пермь – 2009г.
67. Земсков Г.Ю. «Методика и организация обеспечения качества аудиторской деятельности» Автореферат, Москва-2008 г.
68. Ким Н.В. «Методологические и институциональные проблемы аудита» Автореферат дисс.док. экон.наук / Краснодар – 2008г.
69. Лосева Н.А. «Обеспечение качества аудиторских услуг» Орел 2008г.
70. Цибизова И.В. «Организация и методическое обеспечение контроля качества аудита» Автореферат. Саратов – 2012г.
71. Ильина Е.В. «Формирование внутрифирменных стандартов аудиторских организаций» Автореферат, Волгоград – 2007г.
72. Черкасова Н.В. «Управление качеством взаимодействия аудиторской компании и саморегулируемых организаций» Москва-2010г.

73. Азарская М. А. “Теория и методология обеспечения качества аудита” Йошкар-Ола – 2009г.

74. Басиева Л.В. “Теоретические и практические аспекты формирования внутрифирменных стандартов аудиторской деятельности” Ростов-на-Дону-2004.

VIII. Интернет сайтлари

75. www.naaba.uz (Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси).

76. www.mf.uz (Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги).

77. www.soliq.uz (Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси).

78. **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки.-** илмий-техник ахборотларнинг халқаро маркази.

79. www.rea.ru/economertika.html - эконометрик тадқиқотлар бўйича ўқув адабиётлари сервери.

80. Официальный сайт ООО «Гольдберг Софт» www.auditxp.ru

81. Официальный сайт ООО КСБ «Мастер-Софт» www.audit-soft.ru.

82. Проект по реформе аудита www.tacis-auditreform.ru

83. Портал о стандартах www.standard.ru

84. Рейтинговое агентство «Эксперт РА» www.raexpert.ru